

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

“ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ” КАФЕДРАСИ

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 4-курс “Фуқаролик ҳуқуқий
фаолият” йўналиши талабаси Икрамов
Абдурауф Равшабекович

Илмий раҳбар: “Фуқаролик
ҳуқуқи” кафедраси доценти,
юримдик фанлари доценти
Топилдиев Бахромжон
Раҳимжонович

ТОШКЕНТ – 2017

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3-6
1-Боб. Давлат-хусусий шерикликни ҳуқуқий тартибга солишга умумий тавсиф.....	7-34
1.1. Давлат-хусусий шериклик тушунчаси ва ҳуқуқий табиати.....	7-20
1.2. Давлат-хусусий шерикликни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш асослари.....	20-34
2-Боб. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартноманинг мазмуни ва турлари.....	35-
2.1. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома субъектлари ва объектлари.....	35-44
2.2. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартноманинг шартлари.....	44-51
2.3. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномаларнинг турлари.....	51-59
Хулоса.....	60-63
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	64-68

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Бозор муносабатлари шароитида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишда хусусий инвестицияларни жалб этиш ва хусусий тадбиркорларнинг иштирокини кенгайтириш мурим ўрин тутди. Шу мақсадда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодиётга хусусий инвестицияларни жалб этишнинг самарали воситаларидан бири жаҳоннинг ривожланган давлатларда кенг қўлланилиб келаётган давлат-хусусий шерикликдир. Давлат-хусусий шериклик иқтисодиётга хусусий инвестицияни жалб этиш билан бирга, мамлакатда давлат, жамият ва иқтисодий аҳамият молик бўлган лойиҳаларни амалга оширишда инновацион усулларни киритишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва ушбу фармон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури”да ўз ифодасини топди ва Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 1.2.-банди иккинчи хатбошисида “мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш” назарда тутилган.

Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) соҳасидаги бугунги муҳим масалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: ДХШ тушунчаси, вазифалари ва асосий йўналишлари; ДХШ иштирокчилари доираси, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; ДХШ иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, тадбиркорлик субъектлари маблағларининг сарфланиши шаффофлиги ва самарадорлиги кафолатлари; ДХШ лойиҳалари амалга ошириладиган устувор соҳалар; ДХШ иштирокчиларини рағбатлантириш ҳамда ушбу соҳада назоратни амалга ошириш тартиби ва шартлари.

Бугунги кунда ДХШ соҳасидаги қонунчилик шаклланиш арафасида эканлигидан келиб чиқиб, қабул қилиниши режалаштирилаётган “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳияти билан танишиб, ушбу қонун лойиҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишга оид қоидаларни кенгроқ ифодалаш, бу турдаги келишувлар ва шартномаларни тузиш тартиби ва шартларини аниқ белгилаш, ДХШнинг шартномаси тарафларнинг мажбуриятлари ва ушбу шартномани бажармаганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораларни аниқлашатиш долзарб эканлигини таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ДХШнинг ҳуқуқий табиати ва ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солишга оид ишланмалар мавжуд эмаслиги ҳам ушбу битирув малакавий ишининг долзарблигини кўрсатади.

Ишнинг амалий аҳамияти ва муаммолари. Давлат-хусусий шерикликни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш ўзига хос янги воқеълик ҳисобланади. Ҳозирда ДХШнинг тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни, ДХШ лойиҳалари ва уларни реализация қилиш усуллари ва йўллари борасида ҳуқуқшунослар муайян тасаввур тўлиқ шаклланиб ўлгурмаган. Шу боис ДХШ тушунчасини, унинг юридик таърифини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти киритиш, муайян фаолият турига шу асосда баҳо бериш муҳимдир. Бунда ДХШни хусусий инвестицияни жалб этиш воситаси, давлат ва хусусий шерикларнинг муайян фаолият турини биргаликда олиб бориш усули, таваккалчиликнинг турли хавфларини ўзаро тақсимланиши ҳамда ишлаб чиқариш воситалари ва ускунларини тақсимлаш шакли эканлиги иқтисодий омиллар саналса, ушбу жараёнларни юридик жиҳатдан расмийлаштириш ҳуқуқий механизм саналади. Шу сабабли ушбу жараёнларда шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш асосий восита бўлиши зарур.

Ҳозирда ДХШ тўғрисидаги шартнома тушунчаси, унинг субъектлари ва объектлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳали тўлиқ шаклланмаган ва ҳаттоки, бугунги кунда Ўзбекистонда бирорта ҳамда ДХШ тўғрисидаги шартнома тузилмаган. Бунга сабаб ҳали Ўзбекистонда фаолиятнинг бу тури жорий этилмаганлиги ҳамда унинг ҳуқуқий асослари яратилмаганлиги ҳисобланади. Шу сабабли бугунги кунда ДХШ тўғрисидаги шартноманинг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ваколатли давлат органи томонидан тавсиявий тусда тасдиқланиши, хусусий тадбиркорлик субъектларига ДХШнинг мазмуни ва моҳиятини таништириш, уни амалга ошириш механизмларини тушунтириш, фаолиятнинг ушбу турини амалга оширишнинг афзал жиҳатлари кўрсатилиши муҳим аҳамият касб этади.

Қолаверса, ҳуқуқшунос мутахассислар олдида ДХШни ҳуқуқий тартибга солишда қўлланиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар турларини аниқлаш, ушбу шартномаларни ДХШ фаолиятига мослаштириш,

амалдаги қонунчиликка ДХШнинг хусусиятларидан келиб чиқиб ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш муаммолари кўндаланг турибди.

Ишнинг мақсади ДХШ тушунчаси ва моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари, мазкур ДХШ шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш субъектлари, объектлари ва мазмуни каби масалаларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида муайян хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг вазифалари:

- ДХШнинг тушунчаси ва ҳуқуқий табиатини ёритиш;
- ДХШ шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш асосларини таҳлил қилиш;
- ДХШ тўғрисидаги шартнома субъектлари ва объектларининг моҳиятини очиқ бериш;
- ДХШ тўғрисидаги шартноманинг шартлари ўрганиш;
- ДХШ тўғрисидаги шартномаларнинг турларини баён этиш ташкил қилади.

Иш предметини давлат-хусусий шерикликни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиниши билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар ташкил этади.

Иш объекти давлат-хусусий шерикликни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиниши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Ишнинг тузилиши: битирув малакавий иши кириш, беш параграфни бирлаштирган икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-Боб. Давлат-хусусий шерикликни ҳуқуқий тартибга солишга умумий тавсиф

1.1. Давлат-хусусий шериклик тушунчаси ва ҳуқуқий табиати

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга қаратилган хусусий тадбиркорликка асосланган иқтисодий сиёсатини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ва ушбу вазифани амалга оширишда давлат жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан фаол иқтисодий муомалага киришиши лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида, давлат эҳтиёжларини таъминлашнинг энг мақбул ва бугунги бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган механизмларини ишлаб чиқиш ва самарали ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этади. Ҳозирда давлат иқтисодиётга, ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб этишнинг турли йўлларида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Иқтисодиётга хусусий инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш воситалари ва ускуналари бирлаштириш, таваккалчилик хавфини тақсимлаш орқали мамлакат иқтисодий, ижтимоий ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишнинг самарали усулларида бири эса давлат-хусусий шериклиги ҳисобланади.

Давлат-хусусий шериклик – бу давлат ва хусусий шерикларнинг юридик жиҳатдан расмийлаштирилган биргаликдаги самарали ва фойдали фаолияти сифатида қуйидаги мақсадларни назарда тутди:

- 1) иқтисодиётга хусусий инвестицияни жалб этиш;
- 2) ресурсларни бирлаштириш ва таваккалчилик хавфини камайтириш.

Ушбу мақсадлар аввало ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, инвестиция, инновация, инфратузилмалар ва муҳим давлат, жамоат ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган бошқа лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга қаратилади.

Давлат ва хусусий шерикликнинг асосий вазифаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун давлат ва хусусий шерикларни ўзаро самарали фаолият юритиши учун шароит яратиш ҳамда аҳоли бандлигини ўсиши ва турмуш даражасини ошириш ва товарлар, ишлар, хизматлар сифатини оширишдан иборат. Бунда давлат харидларининг асосий тамойиллари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

қонунийлик;

ихтиёрийлик, тенг ҳуқуқлилиқ ва адолатлилиқ;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув тарафларининг зиммаларидаги мажбуриятларини ихтиёрий бажаришлари;

очиқлик ва шаффофлик;

ўзаро ҳурмат, манфаатларни ҳисобга олиш ва жавобгарлик;

самарадорлик.

Давлат-хусусий шерикликнинг белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

давлат шериги ва хусусий шерик ўртасидаги муносабатларни давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув тузиш йўли билан белгилаш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг ўрта ва қисқа муддатларда амалга ошириш ва бунда қоидага кўра давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб муддатларни уч йилда ўттиз йилгача белгилаш;

хусусий шерикка таваккаличилиқ хавфининг бир қисмини ўтказиш;

давлат шериги ва хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишда, шунингдек ресурсларни бирлаштиришда биргаликда иштирок этиш.

Қоидага кўра, давлат-хусусий шериклик қуйидаги соҳаларда амалга оширилади:

фан, техника ва инновация;

тиббиёт;

таълим, маданият ва ижтимоий хизмат;

жисмоний тарбия ва спорт;
телекоммуникация;
транспорт хизмати;
йўл хўжалиги;
уй-жой хўжалиги ва коммунал хизмат;
инженерлик коммуникациялари;
қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;
ёқилғи-энергетика ва кимё саноати;
қайта тикланадиган энергия манбалари;
машинақурилиши;
металлургия;
қишлоқ ва сув хўжалиги;
табиатни муҳофаза қилиш;

Шу билан бирга, давлат-хусусий шериклик санаб ўтилган соҳалардан бошқа соҳаларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган соҳаларда давлат-хусусий шериклик қуйидаги вазифалардан бири ёки бир нечтасини амалга оширишни назарда тутди:

лойиҳалаштириш;
молиялаштириш;
қурилиш;
реконструкция;
қидирув;
хизмат кўрсатиш.

Юридик адабиётларда давлат-хусусий шериклик ҳақида бир қатор фикрлар билдирилган. А.В.Белицкаянинг фикрича, давлат-хусусий шериклик давлат ва хусусий тадбиркорлик ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг бир шакли бўлиб, у инвестиция фаолиятининг бир тури сифатида самарали ҳуқуқий тартибга солиниши лозим. Давлат-хусусий шериклик деганда оммавий ва хусусий шерикларнинг давлат ва жамият аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этиш мақсадида, оммавий манфаатлар соҳаси ва

назоратидаги объектларга нисбатан инвестиция лойиҳаларини реализация қилиш йўли билан амалга ошириладиган муайян муддатга юридик расмийлаштириладиган жамғармаларни бирлаштириш ва хавфларни тақсимлаш тушунилади¹.

Давлат хусусий шериклик қайси соҳада қўлланилишидан қатъий назар унинг асосий мақсади хусусий инвестицияни жалб қилишга қаратилади. Шу боис хусусий инвестициянинг моҳияти хусусида тўхталиб ўтиш зарур.

Ўзбекистонга хусусий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодий тизимда таркибий узгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда ракобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳеч қайси давлат жаҳон иқтисодиётидан айри ҳолда ташқи ёрдамларсиз бошқача айтганда хорижий сармоя ва кўмакларсиз иқтисодий тараққиётга эришишган эмас. Ривожланган давлатларнинг тараққиёт тарихи хорижий ва хусусий инвестицияларнинг иқтисодиётни қайта қуриш, модернизациялаш ва юксалтиришдаги ўрни ниҳоятда катта эканлигини ва бунда давлат-хусусий шерикликнинг аҳамияти юқорилигини кўрсатади.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда хорижий ва маҳаллий хусусий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилди, десак хато қилмаган бўламиз. Натижада ўтган йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига 100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинди. Бунинг 25 миллиард доллардан зиёдини хорижий сармоядорларнинг маблағлари ташкил этади.

Маълумотларга кўра, 2015 йилда мамлакатимизда жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми - 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди, энг янги замонавий

¹ Белицкая А.В. Государственно-частное партнерство: понятие, содержание, правовое регулирование: автореф. дис....канд. юрид. наук. - М.: 2011. -24 с.

ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этган. Умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлган².

Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этган. Шунинг 72 фоиздан зиёди тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Фақатгина 2015 йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2013 йилга нисбатан 3,8 баробар ошган³.

Ўзбекистонда инвестиция фаолияти ва чет эл инвестицияларини жалб қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу соҳадаги махсус қонун ҳужжатлари ва умумий характердаги ҳужжатларга ҳамда қонун ости меъёрий ҳужжатларга ажратган ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Бевосита инвестицион муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар махсус қонун ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади. Уларга 2014 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, 1998 йил 30 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ва “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларини кўрсатиб ўтиш лозим.

Инвестицион муносабатларни тартибга солувчи умумий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ёки Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунларини

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида сўзлаган нутқи. 18.01.2014 йил.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида сўзлаган нутқи. 18.01.2014 йил.

кўрсатиб ўтиш лозим. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда инвестицион муносабатларни тартибга солувчи умумий нормалар акс эттирилган.

Мамлакатимизда инвестиция фаолияти соҳасини тартибга солишга қаратилган қонун ости ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3554 сонли Фармони;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 сентябрдаги “Ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқаришга хорижий инвестицияларни жалб қилиш тўғрисида”ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси тўртинчи қисмида белгиланган кафолатларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низом;

– “Истиқболлик инвестиция таклифларини келишиш механизмини ҳамда хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 августдаги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги 205-сон қарорига мувофиқ хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юклатилганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Энди, ушбу қонун ҳужжатларида инвестиция ва чет эл инвестициясини иқтисодиётга ҳамжа эркин иқтисодий зоналарга жалб қилишни тартибга солишга қаратилган масалаларга тўхталиб ўтсак.

С.Бозаровнинг фикрича, бугунги кунда мамлакатимизда инвестицион фаолият асосан қуйидаги йўналишларни қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда:

- фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш,
- юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси тармоғида янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш;
- тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика соҳаларида янги технологияларни жорий қилган ҳолда замонавий корхоналарни ишга тушириш ёки мавжудларини модернизация қилиш;
- ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритиш ва бошқалар⁴.

Тан олиш лозимки, республикада инвестициявий муҳитга таъсир қилувчи асосий омил сифатида чет эллик инвесторларга тақдим қилинадиган имтиёзлар ва рағбатлар тизими ташкил қилади. Ушбу омилнинг аҳамияти, аввало, капиталларни жалб қилиш борасидаги турли мамлакатлар ўртасидаги рақобат курашининг кучайиб бораётганлигини билан боғлиқ.

Чет эл ва маҳаллий хусусий инвестицияларини ҳуқуқий тартибга солишда давлатлар ўртасидаги икки ва кўп томонлама шартномаларнинг ўрни, аҳамияти айниқса бекиёсдир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириладиган хорижий инвестицияларни ҳимоя қилиш учун қўшимча кафолат сифатида 48 та давлат билан “Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда 44 та давлат

⁴ С.Бозаров. Эркин иқтисодий зоналарнинг тадрижий ривожланиши ва улар фаолиятини қиёсий таҳлили. Фалсафа ва ҳуқуқ № 1. 2011. – Б. 21-23.

билан икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш бўйича халқаро шартномалар имзоланган⁵.

Илмий адабиётларда, давлатлар қонунчилик тажрибасида, айниқса халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида инвестицияларнинг бир қатор тушунчаси мавжуд. Бунда биз уларнинг айримлари билан қисқача танишиб чиқамиз.

“Инвестициялар” инглиз тилидан (investments) таржима қилинганда “капитал қўйиш” маъносини англатади. Демак, “инвестициялар” сўзи ва “капитал қўйиш” синоним сўзлар саналади.

Иқтисодий ва юридик адабиётларда, юқорида кўрсатилгандан ташқари, инвестицияга (капитал қўйишга) доирқўплаб тушунчалар мавжуд. Масалан, “инвестициялаш инвестициявий неъматлар ёрдамида бугунги эҳтиёжларни келажакда кутилаётган қониқишларга алмаштириш актини ўзида ифодалайди”⁶ ёки “инвестициялар – капитал” – бу ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян даврда олинган ва фойдаланилмаган даромад қисми ҳамда ишлаб чиқаришга қайтадан амалга оширилган қўйилма саналади⁷.

Инвестициялар (капитал қўйилма) нафақат мамлакат иқтисодиётининг балки, хорижда ҳам фойда олиш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда амалга оширилган қўйилма саналади⁸. Инвестиция – тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тарафнинг ва мулкчилик шаклидан қатъий назар жисмоний, юридик шахс ёки давлатнинг иқтисодий фойда ёки ижтимоий самара олиш мақсадида қонунда назарда тутилган тадбиркорлик фаолиятининг ҳар қандай объектларига ўзининг молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларни жалб қилиши саналади⁹.

⁵ Қаранг: Мазкур маълумот 2013 йил 18 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик паласида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси билан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (ТИАИС) ҳамкорлигида ташкил этилган “Халқаро савдо алоқалари ва Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари” мавзусидаги давра суҳбатидаги ТИАИС вазири биринчи ўринбосари Н.Нажимовнинг маърузасидан. 18.09.2023 йил. www.parliament.gov.uz – Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтидан олинган маълумот.

⁶Массе П. Критерии и методы оптимального определения капиталовложений. - М., 1971. - С.27.

⁷Черевик Е.Д. Инвестиционный процесс в развивающихся странах. - М., 1988. - С.9.

⁸Евтеева М.С. Международные двусторонние инвестиционные соглашения. - М.: Междунар. отношения, 2002. - С.35.

⁹Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ

Инвестициялар келгусида кўпроқ қимматликларни олиш мақсадида муайян қимматликлардан ҳозирги вақтда воз кечиш саналади¹⁰. Инвестициялар – бу ишлаб чиқаришда уни ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган қўйилма (ҳаражатлар) саналади¹¹.

С.П.Морознинг фикрича, “инвестициялар – бу фойда (даромад) олиш ва фойдали ижтимоий самарага эришиш мақсадида барча турдаги моддий ва номоддий бойликларни, шунингдек уларга нисбатан ҳуқуқларни тадбиркорлик объектига ва бошқа фаолият турларига жалб қилиш ва ҳ.к. тушунилади”¹².

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунида¹³ қуйидаги қоида мавжуд: “инвестициялар - иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар”

Инвестициялар тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг бир қатор икки томонлама келишувларида ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Швеция қироллиги Ҳукумати ўртасида “Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисидаги” 29.05.2001й.¹⁴ келишувда “инвестиция” атамаси иқтисодий фаолиятга мувофиқ бир Аҳлашувчи Томоннинг инвестори бошқа Аҳлашувчи Томон ҳудудига бевосита ёки билвосита равишда инвестициялаган, эгалланган ёки бошқараётган активларнинг ҳар қандай турини англатади, агар инвестиция бошқалар.

Энди чет эл инвестициялари тушунчасига эътибор қаратамиз. Глобаллашув ва давлатлар ўртасида хўжалик алоқаларининг кенгайиши шароитида айнан чет эл инвестициялари долзарб аҳамият касб этиши табиий. Тўғридан тўғри жалб қилинадиган чет эл инвестицияларининг умумий ҳажми дунё товарлари ва хизматлари ҳажмига нисбатан кўп ҳисобланади. Шу

муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида). – Иқт. фанлари д-ри... дис. автореф. - Т., 2003. -С.14.

¹⁰ Шарп У., Александр Г., Бэйли Дж. Инвестиции / Пер. с англ. – М., 1998. – С.979.

¹¹ Миловидов В.Д. Паевые инвестиционные фонды. М.: АНК ИЛ; Инфра-М, 1996. Миловидов В.Д. Паевые инвестиционные фонды. –М.: АНК ИЛ; Инфра-М, 1996. – С.7.

¹² Мороз С.П. Инвестиционное право: Учебник. – 3 изд., перераб. и доп. – Алматы: КазГЮУ, 2006. – С.57.

¹³ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 52, ст. 513.

¹⁴ www. PRAVO.uz

боисдан моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш бўйича миллий ва халқаро инвестиция фаолияти бозори фаолият юритадиган шароитда иқтисодий муносабатларнинг асосий тури бўлиб қолмоқда, унда инвестициялар ишлаб чиқариш мақсади ва ҳуқуқий тартибга солиш объекти бўлиб ҳисобланади¹⁵.

Шу кунга қадар чет эл инвестициялари ягона тушунчасининг халқаро амалиётда шу жумладан, турли мамлакатлар миллий қонунчилигида мавжуд эмаслиги, чет эл инвестицияларининг шакли ва турлари ҳамда уларнинг мақсадига кўра турли-туманлиги билан изоҳланади. Асосийси бир мамлакатдан бошқа мамлакатга келиб тушган ҳар қандай маблағлар ҳам чет эл инвестициялари бўлиб ҳисобланадими ёки йўқми? деган саволга нисбатан ягона нуқтаи назар мавжуд эмас.

Кўплаб мутахассислар ушбу тушунчани умуман тўғри эмас деб ҳисоблайди. Чунки “уни инвестор шахси ёки акцияси инвестор эгалигида бўлган фирма билан боғлаш зарурми ва агар “чет эл инвестицияси” тушунчасини фирма билан боғлиқ бўлса, унда кўп миллатли компаниянинг давлатга тегишлилигини аниқлашда иқтисодий мезонларни ҳисобга олиш керак”¹⁶.

Чет эл инвестициялари – бу чет элда доимий корхонани тузиш учун ёки мавжудини кенгайтиришга қўйилган маблағ бўлиб, уни бошқаришни муайян даражада назорат қилиш имконини беради деб ҳисоблаш умум тан олинган ҳолат саналади. Н.Н.Вознесенскаянинг фикрича, тўртта ҳолат муҳим:

- капитал қўйилмаларнинг ишлаб чиқариш мақсадида бўлиши;
- ишбилармонлик фаоллигига вужудга келаётган корхонанинг – бошқарув назоратининг бевосита таъсир кўрсатиши;
- инвестор иштирок этаётган корхонага янги маблағларни қўйилиши;
- янгисини ташкил қилиш ёки мавжуд корхонани кенгайтириш, яъни мамлакат – капитал реципиентининг иқтисодий ривожланишига

¹⁵Аюпов А.З. Международно-правовое и внутригосударственное регулирование иностранных инвестиций. - Дисс....канд.юрид.наук. – М.: 2008. – С.4.

¹⁶Casson M. The Theory of Foreign Direct Investment // International Investment, London, 1990. – P. 243.

кўмаклашиш¹⁷.

С.Г.Еникеевнинг фикрича, анъанавий равишда халқаро амалиёт чет эл инвестициялари деганда, бир мамлакатдаги фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли бўлган ва бошқа мамлакатда жойлашган ҳар қандай активлар (қимматликлар)ни, яъни моҳиятан чет эллик шахсларнинг мулк ҳуқуқи (бошқа ашёвий ҳуқуқлар)дир¹⁸.

Н.Н.Вознесенскаянинг таъкидлашича, “дунё тажрибаси шунини кўрсатадики, чет эл инвестициялари иқтисодиётни ривожлантиришни молиялаштиришнинг бошқа шакллариغا нисбатан бир қатор устунликларга эга. Биринчидан, бу товарлар ва хизматлар чиқаришга капитал қўйилмаларнинг қўшимача манбаидир, бир қатор ҳолатларда технологияларни, ноу-хау, бошқаришнинг янги методларини топшириш тарзида амалга оширилади. Иккинчидан, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш давлат бюджети, уни ташқи қарзи ҳисобига амалга оширилмайди.

Шундай бўлсада, биз томонимиздан инвестицияларга, шунингдек чет эл инвестицияларига (улар фақат ўзига хос хусусиятларга кўра фарқланади) таъриф ишлаб чиқилди.

Яъни: Инвестициялар – бу давлат, юридик шахслар (бошқа тузилмалар), жисмоний шахсларнинг келгусида асосан даромад олиш мақсадига йўналтирилган фаолият соҳалари учун турли шакллардаги қимматликлар (кўчар ва кўчмас, интеллектуал мулк ва ҳ.к.) ва ундан келадиган фойдалар (даромад, фойзалар, дивидендлар, роялти, лицензия ва воситачилик ҳақлари, техник ёрдам учун тўловлар, техник хизмат кўрсатиш учун тўлов ва бошқа мукофотлар), амалга оширилган қўйилма.

Чет эл инвестициялари – бу чет эл давлати, юридик шахслари (бошқа тузилмалари), жисмоний шахсларининг келгусида асосан даромад олиш мақсадига йўналтирилган реципиент-мамлакатнинг фаолият соҳалари учун турли шакллардаги қимматликлар (кўчар ва кўчмас, интеллектуал мулк ва ҳ.к.)

¹⁷Вознесенская Н.Н. Иностранные инвестиции: Россия и мировой опыт (сравнительно-правовой комментарий). – М.: Инфра-М., 2002. – С. 55.

¹⁸Еникеев С.Г. Особенности правового режима иностранных инвестиций в России // Право. – 1997. – № 3. – С.31.

ва ундан келадиган фойдалар (даромад, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва воситачилик ҳақлари, техник ёрдам учун тўловлар, техник хизмат кўрсатиш учун тўлов ва бошқа мукофотлар), амалга оширилган қўйилмадир.

Халқаро инвестиция амалиётида чет эллик инвесторга имтиёз ва қулайликлар тақдим қилиш масаласида иккита қарама-қарши ёндошув мавжуд. Уларнинг **биринчи** – чет эллик инвесторлар (алоҳида ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар) учун махсус рағбатларни бериш сиёсати билан боғлиқ. **Иккинчи** – миллий ва чет эллик инвесторлар имкониятларини тенглаштириш заруратини тан олади ва бозорга киришнинг тенг шарт-шароитлар яратилишига, рақобатлашиш ва тенг имкониятларга доир ягона шартларга ҳамда нисбатан бозор иқтисодиётига ва ҳар қандай давлатнинг чет эллик ҳамкорини “ҳафа қилмасликка” интилишига мос келади¹⁹. Иккинчи ёндошув ғояси Жаҳон банкига тегишли бўлиб, ўзининг кўрсатмаларида бир хил ҳолатларда инвесторга нисбатан бир хил муносабатда бўлиш ва улар ўртасида эркин рақобатнинг бўлиши ижобий инвестициявий муҳитни яратиш шarti бўлиб ҳисобланишини кўрсатиб ўтади. Банк шунингдек, агар миллий инвестор айнан ўхшаш ҳолатларда иштирок этишни рад этган бўлса, чет эллик инвесторлар имтиёздан фойдаланишини назарда тутмайди²⁰, деган фикрлари диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, давлат чет эллик инвесторларга солиқлардан озод қилиш ва бошқа молиявий рағбатларни тақдим қилмаслиги зарур. Агар давлат бундай имкониятларни бериш ўзини оқлайди деб ҳисобласа, у ҳолда “ўхшаш ҳолатларда” миллий инвесторларга нисбатан ҳам автоматик тарзда шундай фаолиятни рағбатлантириш учун тақдим қилиниши зарур. Банк давлатлар ўртасида бундай рағбатлантиришларни бериш, айниқса солиқлардан озод қилиш борасида рақобат бўлишини тавсия қилмайди. Унинг фикрича, “иккилантирувчи ёки ҳаддан зиёд бўлган солиқ

¹⁹ Ковешников М. И Правовое регулирование *иностранных* инвестиций Российской Федерации - М; Норма. 2001. С 46.

²⁰ Н.Н.Расулов. Стимулирование привлечения иностранных инвестиций в экономику Узбекистана.-Т.: «ФАН», 2003. 224- с.

ставкаларидан озод қилишдан кўра, оқилона ва барқарор солиқ ставкаларини яратиш энг мақбул рағбатлантириш бўлиб ҳисобланади”²¹.

М.Н.Бродскийнинг фикрича “Имтиёзлар ва рағбатлантириш борасида миллий ва чет эллик тадбиркорларнинг имкониятларини тенглаштириш маҳаллий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилишга ундайди ҳамда у ёки бу мамлакатга инвестиция киритиш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли ноқонуний равишда маблағларни чиқиб кетишини чеклашга имкон беради. Бошқача қилиб айтганда, имтиёзлар ва рағбатлантиришлар зарур, бироқ у қатъий бир хил шароитларда бўлиши, маҳаллий тадбиркорлар ёки аксинча чет эллик тадбиркорларга тазйиқ ўтказмаслиги зарур. Шу сабабли Қонунда маҳаллий ва чет эллик инвесторлар учун – солиқ таътиллари, рағбатлантириладиган фаолият турлари ёки мамлакатнинг айрим ҳудудлари ва ҳ.к. учун инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ ставкаларини камайтириш каби аниқ имтиёзларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлар эди”²². Ушбу фикрларга қисман қўшилиш мумкин.

Имтиёзларнинг мақсадга мувофиқлиги ва адолатлилигига доир назарий баҳс–мунозаралар, халқаро ташкилотлар ва бирлашмаларнинг амалий ҳатти–ҳаракатлари ушбу имтиёзлар қисқаришига, мавжуд умумий анъана – халқаро иқтисодий муносабатлар амалиётида чет эллик капитал учун тақдим қилинадиган имтиёзларни кенгайтиришни бартараф қилганича йўқ. Фақат 1997 йилда 76 мамлакатда янги имтиёзлар жорий қилинган ёки эскилари кенгайтирилган (асосан, божхона характеридаги) ва фақат 7 мамлакат бундай имтиёзларни бекор қилган. Бу прагматик ёндошув ҳақида фикр юритар экан Е.Яковлева ва К.С. Мауленовлар “имтиёзлар вақтинча бўлсада, давлат ғазнасини енгиллаштиради, аммо улар агар чет эллик инвестицияларни жалб қилиш имконини берса у ҳолда ўзини оқлайди. Мазкур шароитларда имтиёзлардан фойдаланиш доираси ва характери аввало, давлатнинг ўзида

²¹ Мороз СП Инвестиционное право: учебное пособие. 2-е изд. - Алматы: Юрист. 2004 С 21.

²² Бродский М.Н. Законодательная база экономического развития. Науч изд. (Серия «Право и экономика») - М.: Европейский дом. 2002. - С.165-166.

мазкур маблағлар мавжудлигига боғлиқ”, деган фикрга келишади²³.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, давлат-хусусий шериклик тушунчасига қуйидаги таърифни бериш мумкин: давлат-хусусий шериклик – ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, инвестиция, инновация, инфратузилма ва давлат, жамият а иқтисодиёт учун муҳим бўлган бошқа лойиҳа ва дастурларни реализация қилиш учун амалга ошириладиган давлат ва хусусий шерикларнинг хусусий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш, ресурсларни бирлаштириш ва хавфларни тақсимлар мақсадида муайян муддатга юридик расмийлаштирилидагн ўзаро фойдали ҳамкорликдир.

1.2. Давлат-хусусий шерикликни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш асослари

Халқаро тажрибани ўрганган таҳлилчиларнинг ёзишларича, кейинги йилларда давлат-хусусий шериклик ўта муҳим инфратузилмавий шарт-шароитларни яратиш чоғида узоқ муддатли вазифаларни ҳал этишнинг энг талабгор механизми сифатида майдонга чиқмоқда. Айрим экспертларнинг фикрларига кўра, ушбу механизмсиз миллий инновацион тизимнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини ҳатто тасаввур ҳам қилиш қийин. Чунки, хусусий бизнес билан кооперация алоқаларига киришиш давлат учун бюджетга юкни пасайтириш, лойиҳани бюрократик тўсиқларсиз амалга ошириш имкониятини беради.

Ўз навбатида хусусий сектор давлат активларини узоқ муддат ичида, шу билан бирга, кўпинча инвестицияни қайтариш кафолати каби имтиёзли шартларда бошқариш каби бир қатор преференцияларга эга бўлади.

Охирги икки ўн йилликлар давомида миллий иқтисодиёт даражасида давлат-хусусий шериклик соҳасидаги таҳлилларнинг намоиш

²³ Яковлева Е. Кўрсатилган асар, С. 97.; Мауленов К.С. Государственное управление и правовое регулирование в сфере иностранных инвестиций в Республике Казахстан. - Дисс. доктора юрид. наук. – Алматы. 2000. - С.285-292.

қилишича, ушбу воситадан фойдаланиш ёндашуви йирик маблағ талаб қилувчи лойиҳаларга инвестиция жалб қилишнинг самарали йўли сифатида тан олинган. Бундан ташқари, мазкур йўналишнинг ривожланишида табиий равишда керакли қонунчилик базасининг мавжудлиги катта роль ўйнаган. Шунингдек, экспертлар томонидан федерал ёки ҳудудий миқёсда бундай шерикликни ташкил этиш ва унинг тамойилларини тизимлаштириш каби вазифаларни бажарувчи махсус институтларнинг ўрни алоҳида эътироф этилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт комиссиясининг таъкидлашича, ҳозирги кунда дунёнинг турли мамлакатларида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича 50 дан зиёд институт мавжуд. Унинг 24 таси Европада, 2 таси Шимолий Америкада, 5 таси Жанубий Америкада, 7 таси Африкада, 13 таси Осиёда жойлашган. Бундан ташқари, бир қатор асосий функциялар билан бирга давлат-хусусий шерикликка оид вазифаларни ҳам бажарувчи 9 та халқаро ташкилот фаолият юритмоқда. БМТ, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси шулар жумласидандир.

Тадқиқотларда жаҳоннинг айрим ривожланган давлатларида мазкур шерикликнинг шаклланиши ва тараққий топиб боришида муҳим омил бўлиб хизмат қилган тажрибаларнинг ўзига хос жиҳатларига урғу берилган.

Давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асослари борасидаги дастлабки қадам Буюк-Британияда қуйилган. Ушбу мамлакатда инвестиция лойиҳаси амалиётига хусусий капитални жалб қилиш бўйича илк қўйилган қадам ўтган асрнинг 80-йилларига тўғри келган. Бундай тадбирни амалга оширишдан кўзланган мақсад давлат секторининг иқтисодиётга таъсирини камайтиришга қаратилган. 90-йилларда эса бу амалиёт кенг тарқалган. 1992 йилда давлат лойиҳаларида хусусий секторнинг янада фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида “Хусусий молия ташаббуси” (ХМТ) манзилли дастури ҳаётга татбиқ этила бошлангач, бу йўналиш янгича тус олган. Ҳозирда бу ҳаракат ҳукумат умумий дастурларининг муҳим таркибий

қисмига айланган. У хусусийлаштириш жараёнини, давлат-хусусий компания кўшма фаолиятининг бошқа шакллари ҳамда кафолатларни тақдим этишни ўз ичига қамраб олган. Шу билан бирга, ХМТ дастурининг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор. Яъни бундай усулда бажариладиган лойиҳа давлатнинг янги активларни сотиб олиши нуктаи назаридан эмас, балки ушбу амалиёт аҳоли ҳаёт даражасига қанчалик ижобий таъсир кўрсатишига қараб кўриб чиқилган. Бунда шерикликнинг хусусий сектор томони ўз зиммасига муайян бир актив бўйича хизмат кўрсатиш юзасидан узоқ муддатли мажбуриятни, шунингдек лойиҳа таваккалчилигининг бир қисмини олади. Давлатга эса ўз навбатида муайян маҳсулот ёки хизматга бўлган талабни таъминлаш юзасидан узоқ муддатли мажбурият юклатилади. Хусусий молия ташаббуси кўринишидаги шерикликда қарорларни қабул қилишдаги асосий мезон бу нарх ва сифат мутаносиблигини баҳолаш ҳисобланади. Ушбу баҳолаш негизида маҳсулот, хизмат ва жараённинг иқтисодий жиҳатлари, натижадорлиги ва самарадорлиги билан боғлиқ тамойиллар тизими ётади.

Давлат-хусусий сектор ҳамкорлигидаги лойиҳалар амалиёти Буюк Британияда турли тармоқ йўналишини, ижтимоий хусусиятга эга соҳалар, транспорт инфратузилмаси, информацион технологиялар, ҳарбий аҳамиятга молик маҳсулот ишлаб чиқаришни қамраб олган. Аммо йирик лойиҳаларда транспортнинг улуши бир мунча катта бўлган, масалан Лондон метросини реконструкция қилиш, автомагистрал тармоқларни кенгайтириш, катта ҳажмдаги кўприкларни қуриш шулар жумласидандир.

Буюк Британиядаги давлат-хусусий шериклик сиёсати амалиётининг самарадорлиги мустақил аудиторлик ҳисоботларига асосланиб тасдиқланган. Ушу ҳисоботдаги маълумотга қараганда бундай шерикликка доир барча лойиҳаларнинг учдан икки қисми ўрнатилган муддатда бажарилган ва лойиҳа бюджетидан ортиқча маблағ харажатлари кузатилмаган. Шу билан бирга, бундай ҳамкорлик молиявий ресурсларни давлат томонидан

молиялаштиришнинг бошқа шаклларига нисбатан бирмунча барқарор тарзда тежашга олиб келган.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Хусусий молия ташаббуси дастурининг ижобий натижалари илк бор 1999 йилда Буюк Британияда Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича марказнинг ташкил этиш имкониятини берган. Мазкур марказнинг асосий вазифаси давлат секторига харидларни амалга ошириш ва етказиб берувчиларни танлашда, ташқи маслаҳатчиларни жалб қилиш асосида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқаришда ёрдам беришдан иборат. Марказ уставида Хусусий молия ташаббуси тамойилидан келиб чиқиб, давлат мафаатларини ҳимоя қилиш белгиланган. Шу билан бирга, давлат билан хусусий бизнес ўртасидаги манфаатлар тўқнашувини имкон қадар камайтириш учун Буюк Британия Ғазначилигида аъзолари фақатгина давлат хизматчиларидан иборат бўлган Маслаҳат кенгаши ҳам таъсис этилган. Ушбу кенгаш Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича марказ ишига, унинг қарор қабул қилиш жараёнига аралашмайди, айти пайтда давлат манфаатларига риоя этилиши нуқтаи назаридан марказнинг самарали фаолияти устидан мониторингни амалга оширишга мажбур.

Қонунчиликка кўра, давлат ташкилотлари ва буюртмачилари давлат-хусусий шериклик амалиёти юзасидан ушбу марказдан ташқари бошқа тижорат идораларига ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Бундай тартиб, албатта, рақобатни таъминлаш мақсадида йўлга қўйилган. Аммо, амалиётда кузатилишича, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг аксарият кўпчилик қисми махсус марказ иштирокида ҳаётга татбиқ этилган. Бунга эса ушбу марказларнинг мамлакат ғазначилиги шафелиги остида фаолият юритиши асосий сабаб бўлган. Экспертларнинг тадқиқотларида 2007 йилда бошланган дунё молиявий-иқтисодий инқироzi халқ хўжалигининг бирор бир тармоғини четлаб ўтмаганидек, ўзаро ҳамкорликнинг барча шаклларига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмай

қолмагани алоҳида эътироф этилган. Бу даврда давлат-хусусий шерикликдаги кўпгина лойиҳалар амалиёти молиялаштирилмагани туфайли тўхтатиб қўйилган. Худди шу шароитда Буюк Британия ҳукумати томонидан кўрилган чоралар доирасида 2009 йилда бундай ҳамкорликда хусусий бизнес иштирокини рағбатлантириш мақсадида мамлакат ғазначилигида инфратузилмани молиялаштириш бўйича алоҳида бўлим очилган.

Бундан ташқари, ушбу бўлим ва Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш маркази олдида янгича вазифалар қўйилган. Улар томонидан давлат харидларининг услубий ёндашувларини янада ривожлантиришни таъминлаш, давлат-хусусий шерикликнинг шартномавий базаси ҳуқуқий тузилмасини ҳамда ушбу лойиҳалар изчиллигини, улар ҳақида хабардорлик даражасини яхшилаш мақсадида мазкур лойиҳалар бажарилишининг бориши ҳақидаги ҳисобдорлик тизимини такомиллаштириш, мазкур шериклик лойиҳаларини таркиблаш ва амалга ошириш чоғида шаффофликни ошириш, трансакция харажатларини қисқартириш каби масалаларга эътибор қаратилган.

Таҳлилчи Е. Семёнованинг ёзишича, Буюк Британияда бевосита давлат-хусусий шериклик муносабатларини тартибга солувчи ихтисослашган қонунчилик акти қабул қилинмаган. Ҳамкорлик жараёни Европа Иттифоқининг оммавий шартномалар ва хизматлар ҳақидаги ҳужжатлари ва уларга асосан қабул қилинган миллий қонунчиликка мувофиқ амалга оширилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Европа Иттифоқининг бу соҳадаги норма ижодкорлиги 1992 йилда бошланган. 2004 йилда эса “Давлат-хусусий шериклик ва давлат шартномалари ҳамда концессиялари бўйича бирлашган қонунчилик” тўғрисида Яшил китоб чоп этилган.

Экспертларнинг тадқиқотларида давлат-хусусий шериклик бўйича миллий дастурлар ижроси ҳақида гап кетганда Ирландия Буюк Британиядан кейинги ўринда тилга олинган. Ушбу мамлакатда бундай шериклик

лойиҳалари амалиётига 2000 йилдан бошлаб фаол киришилган бўлиб, унинг илк тарихи 1998 йилда Консалтинг агентлиги томонидан тайёрланган ва давлат-хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик масалаларини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган мезонлар ҳамда тавсиялардан иборат маърузанинг чоп этилиши билан боғлиқ. Маъруза муаллифлари томонидан йўл қурилиши, транспорт тизими ва сув таъминоти каби йўналишларда ушбу шерикликни амалга ошириш учун нафақат имконият, балки зарурат мавжудиги аниқланган ҳамда бир қатор таклифлар тақдим этилган. Ҳукумат томонидан маъқулланган ушбу маърузага мувофиқ, мамлакат Молия департаменти қошида давлат-хусусий шериклик масалалари бўйича бўлим очилган. 1999 йилда эса 2000-2006 йилга мўлжалланган миллий тараққиёт режаси доирасида мазкур ҳамкорлик лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу дастур ижроси юзасидан тайёрланган якуний ҳисоботларда қайд этилишича, белгиланган давр ичида инфратузилмани ривожлантиришга жалб қилинган 17,6 млрд. ирланд фунтининг 1,85 млрд. ирланд фунтилик қисми давлат-хусусий сектор шериклик лойиҳалари амалиётига сарфланган.

Бундай шаклдаги ҳамкорлик аҳамиятининг ошиб боришига эса бир қатор жиҳатлар муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Биринчидан, манфаатдор томонларга мазкур шериклик лойиҳаларида иштирок этиш, аниқроғи биргаликдаги ишга тезда киришиб кетиш учун шароит яратилган. Энг муҳими, амалга оширишга таклиф қилинаётган лойиҳа ҳақидаги барча ахборотни олиш жараёнида очиқлик, ошкоралик таъминланган. Иккинчидан, ҳар бир лойиҳанинг бошланиши аввалида қабул қилинган қарорда унинг мамлакат учун нақадар зарурлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш ҳамкорликдаги ишга жиддий ёндашувни шакллантирган ва унинг муваффақиятли якунига олиб келган.

Бугунги кунда Ирландияда давлат-хусусий шериклик институти фаолияти билан боғлиқ муносабатлар бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда. “Режалаштириш ва ривожлантириш тўғрисида”ги,

“Миллий тараққиётни молиялаштириш агентлиги ҳақида”ги, “Давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг давлат-хусусий шериклик бўйича фаолияти тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди.

Дарҳақиқат, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси юритимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги энг муҳим ва устувор йўналишлар, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ва эришилиши лозим бўлган мақсадларни назарда тутди. Мазкур ҳужжат лойиҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши эса унинг ҳар томонлама ва чуқур маънода инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганлигидан далолат беради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да назарда тутилган хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳамда туризмни ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ҳам Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида алоҳида ўрин тутди.

Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4-бандига кўра, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг истиқболли ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом этиш назарда тутилган. Бунда асосий эътибор хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни

иқтисодий ривожланишдаги ўрни ва аҳамиятини янада мустаҳкамлашга қаратилади ва бу борадаги институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш асосий мақсад сифатида белгиланади. Маълумки, институционал ислохотлар хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик тизими ва унинг қафолатларини амалда таъминловчи оммавий ва хусусий тузилмаларнинг фаолиятдан ташкил топади. Ҳозирда мамлакатимизда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари яратилган ҳамда хусусий тадбиркорликка кенг имтиёзлар ва эркинликлар берилган. Бу борада биргина дунёда аналогич бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва ушбу фармон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури”ни мисол қилиб келтиришнинг ўзи кифоя. Жумладан, мазкур дастурнинг 4-бандига кўра, «Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. Унда қуйидагиларни назарда тутиш:

ДХШ тушунчаси, вазифалари ва асосий йўналишлари;

ДХШ иштирокчилари доираси, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ДХШ иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, тадбиркорлик субъектлари маблағларининг сарфланиши шаффофлиги ва самарадорлиги қафолатлари;

ДХШ лойиҳалари амалга ошириладиган устувор соҳалар;

ДХШ иштирокчиларини рағбатлантириш ҳамда ушбу соҳада назоратни амалга ошириш тартиби ва шартлари.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини таъминлашда муайян товарлар, ишлар ва хизматларга эҳтиёж сезилади. Ушбу эҳтиёжларини таъминлашда мақсадида бюджет маблағларидан харажат қилинади. Ана шу харажатлар бугунги кунда давлат харидлари йўли билан амалга оширилади. Давлат харидлари билан боғлиқ қонунчилик ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш керакки, бу борадаги фаолият Фуқаролик ва Фуқаролик-процессуал кодекслари ҳамда “Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги, “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, 50 дан зиёд қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда²⁴.

ФКда давлат харидлари билан бевосита боғлиқ бўлмасида, маҳсулот етказиб бериш (437-456-моддалар), давлат эҳтиёжлари учун товарлар харид қилиш (ФКнинг 457-464-моддалар), қурилиш пудрати (666-685-моддалари), лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати (686-692-моддалар) ва шу каби бошқа шартномалар давлат харидларини амалга оширишда тузилади ва ушбу шартномавий конструкция асосида товарлар, ишлар ва хизматлар буюртмачиларга тақдим этилади.

Айнан шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунида эса давлат харидлари барча ҳолатлар хўжалик шартномалари сифатида амалга оширилиши нуқтаи назаридан муҳимдир. Бинобарин, давлат хариди иштирокчиларининг ўзаро шартнома тузишлари, шартномалар шакли ва расмийлаштирилиши, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги ушбу қонун нормалари асосида аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йили 21 ноябрдаги 456 сонли “Тендер савдоларини ташкил этишни

²⁴ Жумамуротова К. Давлат хариди ҳуқуқий асос тақомилини талаб этмоқда // Биржа, 2012 йил 21 июнь.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва ушбу қарор билан “Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Ушбу низом:

- Давлат бюджети маблағлари;
- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар;
- донор мамлакатлар, халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумати томонидан тузилган шартномалар доирасида бериладиган хорижий грантлар;
- Ўзбекистон Республикаси кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ҳисобига молиялаштириладиган импорт қилинадиган ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш юзасидан тендер савдолари ўтказишни ташкил этиш механизмини белгилаб беради.

Шунингдек, мазкур низомнинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишга;

агар донор мамлакатларнинг, тегишли халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг тартиботларида ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар бериш ва хорижий грантлар бериш шартларида товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишнинг ўзгача тартиби белгиланган бўлса, татбиқ этилмайди.

Низомда қайд этилишича, тендер савдолари 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқ битта контракт бўйича товарлар етказиб беришни амалга оширишда ўтказилади.

300 АҚШ долларида 100 минг АҚШ долларигача тенг суммадаги битта контракт бўйича етказиб беришларни амалга оширишда харидлар буюртмачи томонидан ташкил этиладиган махсус комиссия қарорига кўра қуйидаги йўллар билан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида тендер савдолари ўтказмасдан (ушбу Низомнинг 5-4-бандида назарда тутилган ҳоллардан ташқари) амалга оширилади:

- харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг тавсифномасини, сонини, бажариш муддатини ва товарни етказиб бериш жойини кўрсатган ҳолда таклифларни етказиб берувчиларга ёки пудратчиларга юбориш;

- етказиб берувчилар ёки пудратчилар эълон қилган нархлар ва тавсифномаларни таққослаш.

Махсус комиссия буюртмачининг раҳбар ходимлари ва ваколатли мутахассисларидан камида уч нафардан иборат бўлган таркибда тузилади. Махсус комиссиянинг қарори протокол билан расмийлаштирилади.

Қолаверса, низомда тендер (танлов) ўтказмасдан товар етказиб берувчилар (бажарувчилар, пудратчилар) билан контрактлар тузилиши мумкин бўлган ҳолатлар (5-1-банд), тендерларни ташкил этиш ва унинг турлари (II-III-бўлимлар) ва тендерларни ўтказиш, тендер ҳужжатлари, тендер қатнашчиларига қўйилган талаблар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа кўплаб масалаларга оид қоидалар белгиланган. Умуман олганда ушбу низом давлат харидларининг тендер асосида амалга оширишга оид муҳим нормаларни ифода этади ва тендерларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиб-таомилларини қамраб олишга бағишланган муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида Низомга асосан амалга оширилади. Мазкур Низом капитал қурилиш, шунингдек илгари тўхтатиб қўйилган объектлар қурилишини давом эттириш билан боғлиқ

ишларнинг бутун комплексини бажариш, товарлар харид қилиш, асбоб-ускуналар сотиб олиш юзасидан танлов савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида марказлаштирилган манбалар (давлатнинг капитал қўйилмалари), давлат бошқарув органлари ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилишда мажбурий ҳисобланса, бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган қурилиш объектлари учун тавсия хусусиятига эга²⁵.

Мазкур Низом капитал қурилиш, шунингдек илгари тўхтатиб қўйилган объектлар қурилишини давом эттириш билан боғлиқ ишлар ва хизматларнинг бутун комплексини (кейинги ўринларда матнда ишлар, хизматлар деб юритилади) бажариш, товарлар харид қилиш, асбоб-ускуналар сотиб олиш юзасидан танлов савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

Иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишни амалга оширишда битта контракт бўйича 5,0 млн АҚШ долларида ортиқ эквивалентдаги суммадаги капитал қурилиш билан боғлиқ бўлган товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилишни амалга оширишда танлов савдолари Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 сентябрдаги “Тендер савдолари ўтказишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 264-сон қарорида назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда 2011 йилдан бошлаб давлат харидларини ҳуқуқий тартибга солишнинг иккинчи босқичи бошланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари тизимини оптималлаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишнинг янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли Қарори қабул қилинди.

²⁵ Фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм. – Тошкент: Илм-Зиё, 2008. – 272 б.

Мазкур қарорга асосан 2011 йилда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига махсус чоракоталар ажратиш орқали кичик бизнеснинг давлат харидлари тизимидан фойдаланишини кенгайтириш борасида алоҳида механизмни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очиқ электрон тизимни босқичма-босқич жорий этиш вазифаси топширилди.

Мазкур қарорга асосан мажбурий тартибда 100 % кичик бизнес субъектидан харид қилиниши лозим бўлган товар (иш, хизмат)лар рўйхати ҳамда несбатан устунлик билан харид қилинадиган товарлар рўйхати тасдиқланган.

Давлат бюджети маблағларини самарали сарфлашни, кичик бизнес субъектларини товар(иш, хизмат)лар етказиб бериш бўйича давлат буюртмалари олиш имкониятларини кенгайтиришни, рақобатни янада ривожлантириш ва давлат харидларини амалга оширишда шаффофликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат харидлари бўйича ҳукумат комиссияси ташкил этилди. Комиссиянинг ишчи органи этиб Молия вазирлиги Ғазначилиги белгиланди.

Ушбу комиссияга, давлат харидлари соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини, ҳамда бюджет тизими бюджетлари маблағлари ва бошқа марказлаштирилган мабалағлар ҳисобидан товар (иш, хизмат) лар харид қилинишини систематик ва мақсадли ишлатилишини назорат қилиши, кичик бизнес субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг жалб этиш мақсадида, қулай шароитлар яратиш, давлат харидлари соҳасидаги субъектларни чоракалификациясини ошириш каби вазифалар юклатилган.

Бугунги кунгача Давлат харидлари бўйича ҳукумат комиссия 11 марта йиғилиши бўлиб ўтган ва ҳар бир йиғилиш якунида йиғилишда кўрилган масалалар ва қилинадиган ишлар, кўрилган чоралар бўйича баённома

расмийлаштирилган. Шунингдек, ушбу баёнмоаларга асосан, мажбурий тартибда устувор равишда кичик бизнес субъектидан харид қилиниши лозим бўлган товар (иш, хизмат)ларга ва уларга чоракоталар ҳамда, 300 АҚШ долларида 100 минг АҚШ долларига мажбурий тартибда электрон аукцион савдолар орқали харид қилинган кенгайтирилган товарлар рўйхати тасдиланди.

Юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2011 йил 1 апрелдаги “Давлат харидларини ташкил этишга доир норматив–ҳуқуқий базани такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 100 – сонли Қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ:

- кичик бизнес субъектларига чоракоталар ажратилиши белгиланган, янги, такомиллашган, очиқ ва шаффоф механизмли давлат харидлари киритилсин;

- давлат харидлари бўйича тендерлар ўтказилиши шароитида, бошқа шароитлар тенг бўлган ҳолларда, афзаллик кичик бизнес субъектлари тарафида бўлади;

- учта қатнашчидан кам бўлган ҳолларда конкурс таклифлари танловини ўтказиш ман этилади, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

- давлат бюджети ва бошқа марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 500 млн.сўмгача қийматдаги ишларни бажарувчи пудрат ташкилотларини танлаш фақатгина кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади;

- марказлашган маблағлар ҳисобига давлат харидларини амалга оширувчи барча ташкилотлар товар(иш, хизмат)лар етказиб берувчилар белгиланиши муддатига 10 кундан кам бўлмаган муддат қолгунга қадар махсус ахборот порталида кутилаётган харидлар тўғрисида эълон беришлари керак;

Давлат харидлари бўйича ҳукумат комиссияси томонидан рўйхати белгиланган алоҳида товар(иш, хизмат)ларнинг битта шартнома бўйича 300 АҚШ долларида 100 минг АҚШ долларига қадар миқдордаги давлат харидлари Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида ташкил этиладиган электрон савдолар ёрдамида амалга оширилади, қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июндаги 166-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида электрон харидларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомда Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида (кейинги ўринларда биржа деб аталади) бошланғич нархни пасайтириш юзасидан электрон харидларни аукцион савдолар шаклида ташкил этиш ва ўтказиш тартиби белгиланган. Шунингдек, мазкур низом қуйидаги ҳолларда хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишга татбиқ этилмайди:

- агар уларни тақдим этиш шартларида харидларни амалга оширишнинг ўзгача тартиби белгиланган бўлса;

- Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси ёки уларда давлат улуши устун бўлган табиий монополиялар субъектлари, корхоналар ва ташкилотларнинг электрон харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси қарорларида товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса.

2-Боб. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартноманинг мазмуни ва турлари

2.1. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома субъектлари ва объектлари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири миллий иқтисодиётни юқори даражага кўтариш ҳисобланади. Маълумки, иқтисодиётни юқори даражага кўтариш албатта қонун ҳужжатларда белгиланган мулк объектларини давлат монополиясидан чиқаришни ва ушбу тизимда хусусий мулкчиликка кенг эркинлик, имкониятлар бериш орқали унда тадбиркорлик асосида иш юритишни талаб этади. Бугунги кунда эса кўплаб давлат ихтиёрида бўлган мулк шакллари қонун ҳужжатлар асосида хусусийлаштирилди. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам хусусий мулкка асосланган субъектлар фаолиятининг доираси кенгайиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида асосий эътибор хусусий мулкка асосланган тадбиркорлик фаолиятига қаратилишидан далолат беради. Бинобарин, тадбиркорлик фаолияти талаб ва таклиф, рақобат каби бозор иқтисодиётининг асосий қонуниятларига мос келади ва ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланишидаги асосий омил ҳисобланади.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома тарафларнинг ўзаро биргалик фаолият олиб боришлари учун маблағларни жалб этиш ҳамда ресурсларни бирлаштиришни назарда тутди. Амалдаги қонунчиликда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома тушунчаси белгиланмаган. Бироқ ушбу шартноманинг моҳияти ва унинг ўзига хослиги, мақсади ва йўналишидан келиб чиқиб мазкур шартнома хўжалик шартномаларининг бир тури эканлигини эътироф этиш мумкин.

Ривожланиб бораётган иқтисодий тизим ва унда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг тобора ортиб бориши, улар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш орқали уларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя

қилишни талаб этади. Ҳуқуқий тартибга солиш эса ўз навбатида бугунги кунда хўжалик фаолиятини тадбиркорлик асосида юритишни ташкил этган субъектларнинг бозор муносабатларидаги иштирокини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда эркин итисодиётни ривожлантириш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун замин яратила бошланди. Жумладан қишлоқ хўжалик тармоғида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг тўла мустақиллиги таъминлана бошланди. Бу борадаги муносабатларни тартибга солувчи қонучилик ҳам тўла ўзгарди.

Шунинг учун ҳам республикамизда шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамловчи бир қатор қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги 1998 йил 4 мартдаги 1938-сонли Фармонида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий мажбуриятлар ижросини ташкиллаштиришга ваколатли орган бўлган Адлия вазирлигининг ўз фаолиятида хўжалик юритувчи субъектларга шартномалар тузиш ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ташкил қилиш, бундай субъектларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларида сусткашлик қилганлиги ҳақли равишда кўрсатиб ўтилган эди.

Ана шундан кейин бу борадаги ишлар бир қадар жонланиб, шартномаларга асосланган ҳуқуқий муносабатлар тобора чуқурлашиб, моддий бойликлар яратиш жараёнларига ижобий таъсир ўтказа бошлади. Шу нуқтаи назардан олганда ҳам шартномавий муносабатларни, жумладан қишлоқ хўжалигидаги шартномавий муносабатларни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, фикримизча, қишлоқ хўжалигида шартномавий мажбуриятлар ижросини таъминлашнинг моддий ва

процессуал-ҳуқуқий муаммоларини ҳал қилишда, хусусан мажбуриятлар ижросини таъминлашнинг анъанавий усули бўлган неустойкани қўллаш асослари масаласига тўғри ёндашишда катта аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, шартнома шартларининг мукаммал бўлиши ҳеч кимнинг манфаатига зиён етказмайди, маҳсулот ишлаб чиқариш ишига нисбатан масъулиятсизлик ҳоллари юз бериши эҳтимолининг олдини олади. Шартномавий муносабатлар бозор иқтисодиёти жараёнларини чуқурлаштиришнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда республикамиз хўжалик муносабатларида қўлланилаётган шартномалар муайян даражада демократик қоидаларига асосланган ва бугунги кун воқелигига мос келади. Бунинг учун ҳуқуқий асослар яратилган, бу борадаги қонунлар амал қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал кодекси ва хўжаликдаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир қатор бошқа қонунлар, қонун ости ҳужжатлари шулар жумласидандир. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хослигини (қишлоқ хўжалик аҳамиятидаги ерга нисбатан мулкчилик ҳуқуқи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш ва ўтказиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлашни ташкил қилишда шартнома контрагентлари ўртасидаги доимий ва барқарор муносабатларнинг зарурлиги кабилар) унутмаслик керак.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланиб қишлоқ хўжалигида фермерчиликка кенг йўл очилди. Мазкур соҳани ривожлантириш мақсадида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Чунончи, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши соҳа ривожи учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Гарчи, Фуқаролик кодексида шартномаларга оид нормалар мустаҳкамлаб қўйилган бўлса ҳам ушбу Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда тадбиркорликни, шу жумладан қишлоқ хўжалигида хусусий тадбиркорликни ривожланишида муҳим омил бўлди.

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида хўжалик шартномаларига таъриф берилган бўлиб, унга кўра тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик асосида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса, товарларни, ишларни ёки хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув хўжалик шартномаси дейилади.

Мазкур Қонуннинг ўзига хос хусусиятларидан бири унда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органиларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари белгилаб қўйилган. Яъни Қонунга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш шартномаларини, шу жумладан контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш ишларини мувофиқлаштириб боради. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектлар шартнома муносабатларини ривожлантириш учун шароит яратиш чора-тадбирларини кўради.

Қонунда белгиланганидек, давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида хўжалик шартномаларини тузишда ёрдам беради, уларни бажарилишининг аҳволи тўғрисидаги статистика маълумотларни умумлаштиради, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қилади. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматларининг ишини ташкил этишга, юридик маслаҳатчиларнинг малакасини оширишга кўмаклашади. Хўжалик шартномаси тузиш, бажариш, ўзгартириш, бекор қилиш жараёнида қонун ҳужжатларини бузилишига йўл қўйилган ҳолатлари аниқланган тақдирда, айбдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини қўяди.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш мақсадида ёзма шаклда тузилади. Ушбу шартноманинг субъектлари бўлиб давлат шериги ва хусусий шерик

ҳисобланади. Давлат шериги ва хусусий шерик тенг ҳуқуқли бўлиб, давлат шериги – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган давлат бошқарув органи, маҳаллий давлат ҳокимият органи ёки бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ҳисобланса, хусусий шерик – давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувни тузган ёки тузиш истагида бўлган ва ўзининг асосий мақсади фойда олиш бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахслари, чет эл юридик ёки жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлардир.

Бунда хусусий шерик бўлиши тақиқланган, шунингдек хусусий шерик томонидан иштирок этиши мумкин бўлмаган шахслар сифатида давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, нотижорат ташкилотлари эътироф этиладилар.

Давлат шериги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ваколатли давлат органига давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ва тендер ҳужжатларини тасдиқлаш учун киритиш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномани тузиш;

хусусий шерик томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномани бажариш мақсадида тузилган тижорат ташкилотининг муассиси сифатида иштирок этиш.

Шу билан бирга давлат шериги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат шеригининг мажбуриятлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

қонунчилик ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома талабларига риоя қилиш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномани амалга оширишга баҳо бериш ва мониторингини юритиш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномада назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган мол-мулкни хусусий шерикка эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топшириш;

хусусий шерикка интеллектуал фаолият натижалари ёки шахсийлаштириш воситалари фойдаланиш ҳуқуқини бериш ёхуд давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома ижро этиш учун зарур бўлган мутлақ ёки нисбий ҳуқуқларни бериш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома объектини хусусий шерикдан мулк қилиб қабул қилиш.

Давлат шеригининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари айний равишда хусусий шерик учун мажбурият ва ҳуқуқлар ҳисобланади. Бироқ айрим мажбуриятлар мавжудки, улар бевосита хусусий шерикка тегишлидир. Жумладан, хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартноманинг объектини тўлиқ ёки қисман молиялаш, эксплуатацияга киритиш, техник хизмат кўрсатишни таъминлаш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш лозим. Шунингдек, хусусий шерик давлат шеригига шартнома объектини келишилган муддатда, тартибда ва шартларда топшириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартноманинг объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

инженерлик, ишлаб чиқариш, ижтимоий, транспорт инфратузилиши, шунингдек давлат мулки таркибига кирадиган ва республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлмаган давлат-хусусий шериклик соҳаларига тааллуқли бўлган бошқа объектлар;

товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шунингдек қонун билан тақиқланмаган бошқа тижорат фаолияти.

Қоида кўра фуқаролик муомаласида тақиқланган ёки чекланган фуқаролик ҳуқуқи объектлари давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартноманинг объекти бўлиши мумкин эмас.

Объектларнинг муомалада бўлиши деганда, уларнинг эркин суратда бошқа шахсларга берилиши, топширилиши ёки ўтказилиши мумкинлиги тушунилади. Объектларни топшириш учун шартнома, мерос, ҳадя, баъзан маъмурий ҳужжат ҳам асос бўлиши мумкин. Бир шахсга тегишли бўлган

ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг иккинчи шахсга ўтиши ҳуқуқий ворислик дейилади. Ҳуқуқий ворислик умумий (универсал) ва қисман (сингуляр) турларга бўлинади. Умумий ҳуқуқий ворислик бўйича шахсларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг қандай даражада амалга оширилган ёки бажарилган бўлишидан қатъи назар, ворисга бўлинмасдан биргаликда ўтади. Бундай ҳуқуқий ворислик кўпроқ мол-мулкни мерос қилиб қолдиришда, юридик шахснинг қайта ташкил қилинишида ва унинг фаолияти тугатилишида қўлланилади. Қисман ҳуқуқий ворислик бўйича ворисга шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида ёки унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ажратилган бирон-бир йиғиндиси, қисми ўтади.

Умумий қоидаларга биноан фуқаролик ҳуқуқлари объеклари турли фуқаролик-ҳуқуқий битимлар асосида бир шахсдан иккинчи шахсга уларнинг эрки билан тасарруф этилади. Бундай объектлар фуқаролик муомаладан чекланмаган ва мутлақ ҳамда нисбий фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланади. Шунга ўхшаш объектлар фуқаролик ҳуқуқининг ҳар қандай субъектига тегишли бўлиши мумкин.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объеклари баъзи турларининг муомалада бўлиши махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Масалан, ер майдонларининг муомалада бўлиши ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи Ер кодекси билан белгиланади; қимматли қоғозларни ўтказиш тартиби қимматли қоғозлари бозори тўғрисидаги қонун билан белгиланади; валюта қимматликларининг муомалада бўлиши валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун билан белгиланади; муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларининг муомалада бўлиши муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади; ихтироларга бўлган ҳуқуқнинг ўтиш тартиби ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги қонун билан белгиланади; товар белгилари, хизмат кўрсатишга бўлган ҳуқуқнинг ўтиши товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарларнинг келиб чиқиш жойининг номлари тўғрисидаги қонун билан белгиланади.

ФКни 82-моддасининг 1-қисмига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари эркин суратда бошқа шахсларга берилиши, агар улар муомаладан чиқарилган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин. Демак, фуқаролик ҳуқуқи объектларини ўз эгаларидан бегоналаштириш, яъни ҳар хил тартиб ва шаклда бошқа шахсларга берилиши ёки ўтказилиши мумкин, агар улар муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса. Мазкур модданинг 2-қисмига мувофиқ муомалада бўлишига йўл қўйилмайдиган объектларнинг турлари (муомаладан чиқарилган объектлар) қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиши керак. Объектларни қонундан ташқари бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан муомаладан чиқарилишига қўйилмайди. Бозор иқтисодиёти шароитида муомаладан чиқарилган объектларнинг сони имкон қадар қисқартирилган.

Шунинг билан бирга давлат ва жамиятнинг хавфсизлигини, давлатнинг иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш, аҳолининг саломатлигини ҳимоя қилиш зарурлиги нуқтаи назаридан баъзи турдаги объектларни фуқаролик муомалада бўлиши чекланиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига мувофиқ “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”. Ер, унинг остидан фойдали минерал бойликларни қидириш, топиш ва ишлаб чиқиш мақсадида фуқаролар ва юридик шахсларга фақат эгалик қилиш ва фойдаланиш учун берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида чет эл валюталари, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, барча турдаги ва кўринишдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо табиий тошлар муомаласи чекланган. Баъзи бир хил нарсаларни сотиб олиш учун махсус рухсат олиш талаб қилинмасада, қонунда назарда тутилган шартларга амал қилиш талаб этилади. Масалан, тарихий ёдгорликлар ва маданият асарларини тасарруф этиш ва сотиб олишда амалда ўрнатилган тартибга

биноан сотиб олиш бўйича давлат ҳуқуқининг устуворлигини ҳисобга олиниши талаб қилинади.

Баъзи бир хил ашёлар фуқаролик муомаладан тўлиқ чиқарилган бўлиши мумкин. Улар қонунга мувофиқ фуқаролик ҳуқуқий битимларнинг объекти бўлиши мумкин эмас, уларни эгаллашга, улардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга умуман йўл қўйилмайди. Улар қаторига қуролларнинг баъзи турлари, ядро қуввати, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари ва шунга ўхшаш бошқа нарсалар киради. Бундай ашёларнинг муомалада бўлиши ғайриқонуний ҳисобланади (Жиноят кодексининг 246, 247, 248-моддалари).

Фуқаролик муомаладан чекланган объектлар қаторига давлат мулки ҳисобланган жамоатчилик томонидан фойдаланишда бўлган йўллар, дарёлар, умуммиллий бинолар ва иншоотлар, миллий кутубхоналар, ҳайвонот дунёси ва шунга ўхшаш объектлар киради. Фуқаролик муомаладан чиқарилган шундай ашёлар ҳам борки, улар бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин, лекин фуқаролик-ҳуқуқий битим асосида ўтиши мумкин эмас. Масалан, архив материалларидан фойдаланиш учун бошқа шахсларга вақтинча берилиши мумкин.

Давлат мукофотлари – орденлар, медаллар ва фахрий унвон бўйича белгилари фуқаролик муомаладан чиқарилган. Уларни сотиб олиш, сотиш, алмаштириш ёки ўзгача усулда ҳақ эвазига бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек давлат мукофотларига нисбатан бошқа ғайриқонуний ҳаракатларни бажариш қонунда ўрнатилган тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради.

Алоҳида турдаги объектларнинг муомалада бўлиш тартиби қонун ҳужжалари билан белгиланади. Улар маълум муомала қатнашчиларига тегишли бўлиши, улар томонидан фойдаланиши ва тасарруф этилиши мумкин. Лицензиялар олиниши ва сертификат берилиши зарур бўлган объектларнинг рўйхати тегишли равишда матбуотда эълон қилинади.

Муомаладан чиқарилган объектлар турлари анча тор ва уларнинг рўйхати махсус қонун ҳужжатлари билан назарда тутилади.

Фуқаролик муомалада иштирок этадиган асосий объектларининг турлари амалдаги Фуқаролик кодексида уларни тартибга солишга оид белгилари ва хусусиятларига аҳамият берилган ҳолда икки асосий, яъни моддий ва номоддий гуруҳларга бўлинади.

Интеллектуал фаолият натижалари ва ўзга номоддий неъматлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида ўзига хос белгилари ва хусусиятларига кўра фуқаролик муомалада бўлиши жиҳатдан моддий неъматлардан фарқ қилади. Номоддий неъматларга бўлган субъектив ҳуқуқ моддий характерга эга бўлмасдан, киши шахси билан (шахснинг соғлиғи ва ҳаёти, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, муаллифлик ҳуқуқи ва ҳ.к.) бевосита боғлиқ, бегоналаштирилмайдиган, яъни бошқа шахсга ўтказилмайдиган ҳуқуқдан иборат. Мутлоқ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал фаолият натижалари ва ўзига хос индивидуаллаштириш воситаларидан (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳақозо) учинчи шахслар ушбу номоддий неъматларга нисбатан ҳуқуқ эгасининг розилиги билангина фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин²⁶.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома объектлари доираси махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

2.2. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартноманинг шартлари

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида шартномаларнинг мазмуни, моҳияти ва иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни тубдан ўзгарди. Айниқса, шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасининг

²⁶ Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқи объектлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 22-25 б.

кенгайганлиги бевосита бозор муносабатлари шароитида талаб ва таклиф, рақобат, субъектларга берилган кенг имкониятлар ва ташаббускорликнинг натижаси бўлди. Таъкидлаш лозимки, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг тарафлари шартнома тузишда бевосита эрк-ирода эркинлиги асосида ҳукукий муносабатга киришадилар. Бунда тарафлар ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифодалашлари ва шартноманинг мазмунини аниқлашда ўз хоших-истакларини реал билдиришлари лозим бўлади-ки, бу ҳолат бозор муносабатларининг энг муҳим қоидаларидан бири субъектларнинг эркин ҳаракат қилишлари ва шартномалар эркинлиги тамойилининг ажралмас қисми ҳисобланади²⁷. Шу билан бирга фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш эркинлиги бевосита субъектларга шартномавий муносабатларга эркин кириши имконини ҳам беради²⁸.

Маълумки, шартнома мазмуни деганда тарафлар келишуви билан шартномага киритилган шартлар тушунилади²⁹. Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича, шартномада тарафларнинг келишилган ва мустақкамланган шартларининг йиғиндиси шартноманинг мазмуни деб эътироф этилади. Шартнома мазмунини ташкил этадиган унинг шартлари шартнома тарафларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларидир, деган тушунчани англатмайди³⁰. И.Б.Зокировнинг таъкидлашича эса шартноманинг мазмунини унинг бандлари (шартлари, реквизитлари) ташкил этади. Амалдаги қонунчиликка кўра, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади³¹.

Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, шартноманинг мазмунини унда ифодаланиши лозим бўлган ёки ифодаланадиган (ўз аксини топадиган) барча бандлар, ҳолатлар ва ёзувлар ташкил этади. Улар

²⁷ Корецкий А.Д. Договор в механизме правового регулирования: автореф. дисс....к.ю.н.-Ростов-н/Д.: 1999. - С.15-16.

²⁸ Емельянов В.И. Разумность, добросовестность, незлоупотребление гражданскими правами. - М.: Лекс-Книга. 2002. - 40 с.

²⁹ Гражданское право. Ч.1./Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. - М.: Проспект, 2005. - 588 с.

³⁰ Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. -Т.: ТДЮИ, 2005. - 237 б.

³¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. I қисм.-Т.: ТДЮИ, 2006.- 368 б.

жумласига тарафлар амал қилиши лозим бўлган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳисобланган шартлар, тарафларнинг юридик манзилини, банк ҳисобрақамларини ва муҳр ўрнини белгиловчи ёзувлар кириши мумкин. Лекин барча ҳолатларда ҳам шартнома мазмуни ҳақида фикр юритилганда шартномада ифодаланадиган ва тарафлар амал қилиши лозим бўлган шартлар “шартнома мазмуни” тушунчасининг асосини ташкил этишини таъкидлаш лозим.

Фуқаролик ҳуқуқида шартнома мазмунида ифодаланадиган барча шартлар асосий, одатдаги ва тасодифий шартларга бўлиниши қабул қилинган.

Фуқаролик ҳуқуқидаги барча шартномаларда бўлгани каби давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномасида ҳам шартнома мазмунини унда ифодаланадиган шартлар (бандлар) ташкил этади ва бу шартлар ҳам умумий қоидага асосан асосий, одатдаги ва тасодифий шартлар ташкил этади. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномасининг асосий (муҳим) шартларини ФКнинг 354-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олинishi зарур бўлган ҳамма шартлар ташкил этади.

ФКнинг 364-моддаси 2-қисмига мувофиқ тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олинishi зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади. Шундай шартлар борки, уларсиз ҳам шартномани тузилган деб эътироф этиш мумкин, аммо муайян ҳолларда шартнома бошқа тарафининг розилиги билан шартномага киритиш зарурати пайдо бўлган шартлар ҳам муҳим шартларга айланади. Башарти, тарафлар бошқа тараф таклиф этган шартни шартномага киритиш тўғрисида келиша олмасалар, бундай шарт муҳим ҳисобланмайди ва шу сабабли ҳам шартнома тузилмаган ҳисобланади. Қонунга биноан мажбурий ёки муайян турдаги шартно-ма учун зарур ҳисобланмаган, айти бир вақтда тарафлардан бирининг аризасига кўра

тарафларнинг келишуви орқали шартномага киритилган шартлар муҳим шартлар деб эътироф этилиши мумкин. Масалан, етказиб берилган товарлар учун қилинадиган ҳисоб-китобларнинг шакллари маҳсулот етказиб бериш шартномасининг муҳим шартлари жумласига киритилмаган. Бироқ, товарлар етказиб берувчи учун шартномада ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли назарда тутилиши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун, башарти, етказиб берувчи товарни сотиб олувчидан ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклини қўллаш тўғрисидаги шартга келишишни талаб этса, бундай шарт етказиб бериш шартномасининг муҳим шартига айланади ва усиз маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги муайян шартнома тузилиши мумкин эмас.

Юридик адабиётда шартноманинг муҳим шартларидан ташқари кўпинча одатдаги ва тасодифий шартлари ҳам фарқланади. Бундай шартларнинг шартномада мавжуд бўлмаслиги унинг юридик кучига таъсир қилмайди. Одатдаги шартлар, қоида тариқасида, фуқаролик қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларида назарда тутилган бўлиб, улар тарафларнинг келишувига муҳтож эмас ва шартнома тузилиши пайтида амалга киради. Башарти, ушбу шартлар шартномага киритилмаган бўлса, низо юзага келган тақдирда тегишли диспозитив нормалар қўлланилади. Масалан, шартномани ижро этиш, қоида тариқасида, тарафларнинг келишувида кўрсатилган баҳо бўйича белгиланади. Ҳақ эвазига тузиладиган шартномада баҳо назарда тутилмаган бўлса ва уни белгилаш мумкин бўлмаса, шартнома шартларидан келиб чиқиб, шартномани ижро этиш учун ҳақ, одатда, таққосланадиган вазиятда ўхшаш товарлар, ишлар ёки хизматлар учун ундириладиган баҳода тўланиши керак (ФКнинг 357-моддаси 4-қисм). Ижа-рага олинган мол-мулкни капитал таъмирлаш ижара шартномасининг одатдаги шарти сифатида ижарага берувчи зиммасига юкланади. Ижарага берувчининг ушбу мажбуриятни бузиши ижарага олувчига капитал таъмирлашни амалга ошириш ва таъмирлаш қийматини ижа-рага берувчидан ундириш ҳуқуқини (диспозитив нормани қўллаш ҳуқуқини) беради (ФКнинг 547-моддаси 1, 4-қисмлари). Келтирилган

мисоллардан кўриниб турибдики, товарнинг ёки ижарага олинган мол-мулкнинг капитал таъмирлаш баҳоси одатдаги шартлар сифатида шартномада назарда тутилиши керак. Башарти, бундай шартлар, юқорида келтирилган биринчи мисолда шартномада мавжуд бўлмаса, иккинчи мисолда эса, ижро этиши шарт бўлган тарафдан ижро этилмаса, тарафларнинг муносабатлари ФКнинг 357, 547-моддалари диспозитив нормаларининг шартларига мувофиқ белгиланади.

Тасодифий шартлар муайян типдаги шартнома учун хос ҳисобланмайди. Бундай шартлар шартномага шартнома тарафлари-нинг хоҳишига қараб, шартнома шартлари сифатида киритилади. Тасодифий шартларнинг мавжуд бўлмаслиги одатдаги шартларнинг мавжуд бўлмаслиги каби шартноманинг ҳақиқийлигига таъсир қил-майди. Бироқ, фуқаролик қонун ҳужжатларининг нормаларида назар-да тутилган одатдаги шартлар шартнома тузилиши пайтида автома-тик равишда амалга киради, тасодифий шартлар эса, улар шартномага тарафларнинг келишувига биноан шартноманинг шартлари сифатида киритилгани тақдирдагина юридик кучга эга бўлади. Тарафлардан бирининг аризасига биноан шартномага киритилган тасодифий шарт-лар муҳим шартларга айланади ёки муҳим шартларнинг хусусиятла-рини касб этади. Масалан, олди-сотди шартномасига кўра, сотувчи сотиб олувчига асосий ашёни унга тегишли бошқа мансуб ашёлар, шунингдек унга доир ҳужжатлар билан бирга топшириши шарт. Шартнома тарафлардан бирининг захира яратиш мақсадида асосий ашёга мансуб бошқа ашёларни нормада белгиланганидан икки хисса кўп қўшиш тўғрисидаги таклифи, башарти, бу хусусда тарафларнинг келишуви мавжуд бўлмаса, тасодифий шарт ҳисобланади.

Шундай қилиб, шартномага киритилган ва унинг мазмунини таш-кил этган шартлар уларнинг ўзаро фарқланишидан қатъи назар муҳим шартлар ҳисобланади. Шартнома тузиш учун муҳим деб эътироф эти-лиши мумкин бўлган шартларни барча ҳолларда ҳам белгиланган, қатъий чекланган рўйхат доирасига киритиб бўлмайди. Уларнинг ҳар бири аниқ ҳолда ёки бевосита

қонун нормалари билан ёки фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий асослари ва принципларига мувофиқ у ёки бу турдаги шартнома шаклида расмийлаштирилаётган муносабатлар мазмунининг хусусиятларига қараб, шартнома тарафларининг ўзлари томонидан белгиланади³².

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартноманинг асосий шартлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

шартнома предмети ва объекти;

тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

мулкӣ ва молиявий таъминотининг турлари ва шартлари;

тавсифлар, шу жумладан объектнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, шунингдек объектнинг сифатига нисбатан талаблар;

тарафларнинг хусусий шерикка шартномада белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун ер участкаси ва бошқа мол-мулкни қонунчиликда назарда тутилган шартлар ва тартибда топшириш мажбурияти;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини реализация қилиш жараёнида ишлаб чиқарилаётган ёки тақдим этилаётган инфра тузилма объектларининг сифатига қуйиладиган талаблар, шунингдек тўлов механизмлари; объектни эксплуатация қилиш, техник хизмат қилиш, лойишлаштириш, қурилиш, реконструкция қилиш, модернизациялаш тартиби;

тарафлар ўртасидаги ҳисоб-китоб тартиби;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги лойиҳани молиялаштириш тартиби ва шартлари;

давлат шериги хусусий шерикка берадиган ҳуқуқ;

давлат шериги томонидан хусусий шерикка давлат-хусусий шерик лойиҳасини реализация қилиш учун тақдим этиладиган инфратузилма объектларига эғалик қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби;

шартнома бажарилиш жараёнида яратилган объект ва бошқа мол-мулкка нисбатан шартнома бекор бўлганидан кейин ҳуқуқларни тақсимлаш тартиби;

³² Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 240 б.

давлат шеригига шартномани бажариш учун топширилган инфратузилма объекти ва ҳуқуқларни шартноманинг амал қилиши тугаганидан сўнг қайтариш тартиби;

давлат ва хусусий шерик ўртасида шартнома бажариш билан боғлиқ хавфларни тақсимлаш тартиби ва шартлари;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси реализациясини баҳолаш ва мониторинг қилиш;

тарафларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликлари учун жавобгарлик;

товарларни ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш муддатлари;

хавфсизлик талаблари, экологик талаблар, шунингдек моддий маданий мерос объектларини сақлаш бўйича талаблар;

шартномани ўзгартириш, узайтириш ёки бекор қилиш, тартиби ва шартлари, шунингдек шартноманинг муддатидан олдин бекор бўлиши муносабати билан компенсация тўловларини тўлаш ва етказилган зарарни қоплаш тартиби;

шартноманинг амал қилиш муддати.

Санаб ўтилганлари билан бирга, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномада бошқа шартлар ҳам ифодаланиши мумкин.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномага хусусий шерикка давлат органларининг ваколатларига кирадиган вазифалар ва ваколатларни топшириш тўғрисидаги қоидалар киритилиши мумкин эмас.

Қоидага кўра, давлат ёки хусусий шерик ўн кун муддат ичида тузилган шартномани белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун ваколатли давлат органига юборади.

Давлат-хусусий шериклик қонунчиликка ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома шартларига мувофиқ қуйидаги йўллар билан мулкӣ таъминланади:

хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик лойиҳасини реализация қилиш учун зарур бўлган объект жойлашган ёки жойлашиши лозим бўлган ер участкасини доимий ёки вақтинча фойдаланишга бериш;

хусусий шерикка давлатнинг бошқа кўчмас ёки кўчар мол-мулкни ишончли бошқариш, эгалик қилиш ва фойдаланишга топшириш;

давлат мулки бўлган мол-мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақини тўлашдан озод этиш.

Бунда хусусий шерик давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида ўзига берилган мол-мулкни гаровга қўйишга ёки бошқа усулда унга нисбатан ҳуқуқлар муомаласини чеклашга ҳақли бўлмайди.

2.3. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномаларнинг турлари

Давлат-хусусий шериклик серқирра ҳамкорлик бўлиб, у ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида амал қилади. Шу сабабли ҳам бу турдаги лойиҳаларни амалга оширишда турли хилдаги шартномалар тузилиши мумкин. Бундай шартномалар жумласига, мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга топшириш, оддий ширкат, мол-мулкни ишончли бошқариш, ижара, пудрат ва давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишга қаратилган бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар киради.

Жумладан, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишда давлат мулкидан вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш текин фойдаланиш (ссуда) шартномаси асосида берилиши мумкин. ФКнинг 617-моддаси биринчи қисмига кўра, текин фойдаланиш (ссуда) шартномаси бўйича бир тараф (ссуда берувчи) иккинчи тарафга (ссуда олувчига) ашёни вақтинча текин фойдаланиш учун бериш мажбуриятини олади ёки беради, иккинчи тараф эса бу ашёни қандай олган бўлса, нормал ейилишни ҳисобга олиб

худди шундай ҳолатда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатда қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Мол-мулкдан амалдаги қонунчиликка асосан вақтинчалик текин фойдаланиш турар-жойни ижара ва вақтинчалик фойдаланишга олиш билан бир қаторда унинг эксплуатациясига, бу каби ҳаракатларнинг фойдали томонларини олишга йўналтирилган шартномалар гуруҳига киради.

Мазкур келишув ссуда шартномаси, деган ном билан ҳам аталади. Янги Фуқаролик Кодекси қабул қилингунига қадар бу термин шартли ва фуқаролик қонунчилигида кўриб чиқиладиган муносабатларга нисбатан қўлланмас эди. Замонавий шароитда “ссуда” сўзи фуқаролик ишларида ва норматив ҳужжатларда шунингдек, биров бошқа маънода – қарз (жумладан, қисқа муддатли ва узоқ муддатли ссуда) сўзининг синоними сифатида ҳам кенг ишлатилади.

Худди шу маънода мазкур атамани кундалик мулоқотда ҳам ишлатишади. Бундан ташқари, турли имловий луғатларда берилишича ва одатга айланган амалиётга кўра ссуда молиявий ёки натура тарзида берилган қарзни англатади. Шунга қарамай, тўғри қўлланилишига қараб “ссуда” ҳозирда янги маънога эга бўлди.

Ссуда шартномаси тарафлари бу – ссуда берувчи ва ссуда олувчи. Ссуда шартномаси объекти – турга хос аломатли ашёдир.

Текин фойдаланиш шартномасининг тушунчасидан кўринадикки, у (ҳадя каби) консенсул ва реал бўлиши мумкин. Биринчи шаклда шартнома икки тарафлама ҳисобланади, чунки, мажбуриятлар иккала тарафда ҳам юзага келади, иккинчи шаклда эса – бир тарафлама бўлади (мажбурият фақат ссуда олувчига юкланади). У вақтинча фойдаланишга олган нарсасини қайтаришга мажбур.

Қонунда ссудага олинган ашёнинг нормал ейилишни ҳисобга олиб худди шундай ҳолатда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатда қайтарилиши кераклиги қайд этилганлигини алоҳида тушунтириш талаб этилади.

Ссуда ва ижара шартномаларининг алоҳида олинганда турга хос аломатли ашёни вақтинчалик фойдаланишга беришни англатувчи ўхшашлиги (биринчиси – фойда кўриш мақсадида, иккинчиси – текинга) сабабли ссуда шартномасига ижара тўғрисидаги қатор умумий қоидалар қўлланилади.

ФК текин фойдаланиш мулк ижараси тўғрисидаги қатор нормалар билан тартибга солинишини назарда тутди. Улар ўртасидаги ўхшашлик салмоқли бўлишига қарамай, қатор фарқлар мавжуд. Асосий фарқ сифатида кўпинча бирининг текинга тузилиш, иккинчисининг эса фойда кўриш мақсадида эканлиги деб кўрилади³³.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини реализация қилиш учун давлат объекти хусусий шерикка текин фойдаланишга берилганда бу тўғрисидаги шартнома ёзма тузилади ва ссуда шартномасида объект давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида берилаётганлиги кўрсатилади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида тузиладиган навбатдаги шартнома ижара шартномаси ҳисобланади. Бунда давлат мулки бўлган объект хусусий шерикка вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топширилади ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаси муддатигача амал қилади. Ижара шартномасига кўра ваколатли давлат органи давлат-хусусий шериклик объектини хусусий шерикка муайян муддатга ҳақ эвазига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топширади. Масалан, қаровсиз бино реконструкция қилиш ва узоқ муддатга ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида хусусий шерикка ижарага берилиши мумкин.

Шу билан бирга, давлат-хусусий шериклик доирасида давлатга қарашли ер участкаси доимий ёки вақтинча фойдаланишга берилиши мумкин. Масалан, давлат-хусусий шериклик лойиҳаси кўра, хусусий шерик қаровсиз ер участкасида спорт майдончаси ҳамда дам олиш масканини барпо этиш лойиҳасини тақдим этган бўлса, ушбу ер участкаси унга бино-иншоот

³³ Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига шарҳ: Профессional шарҳлар. Т 2. / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Baktria press, 2013. – 35 б.

курилиши учун ажратилади. Бунда ер участкаси хусусий шерикка ФКнинг 165-моддасида назарда тутилган ашёвий ҳуқуқ асосида ҳам берилиши ёки ер ижараси шартномаси асосида берилиши мумкин.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини реализация қилиш доирасида тузиладиган яна бир шартнома мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасидир. Бунда давлат мулки хусусий шерикка ишончли бошқаришга берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигидаги шартномавий мажбуриятларнинг айрим турлари тизимида мол-мулкни ишончли бошқарув мажбурияти алоҳида ўрин тутди. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси деб шундай шартномага айтиладики, бунда бир томон бошқарув муассиси иккинчи томонга ишончли бошқарувчига ишонч билдирилган бошқарувга маълум муддатга мулкни топширади. Иккинчи томон эса, ушбу мулкни ишонч билдирган тизимсиз ёки у томонидан кўрсатилган шахс фойдаланувчи бошқаришни ўз зиммасига олади. Мулкни бошқариш бошқа шахсга ишониб топширилганда мулк эгасининг унга нисбатан мулк ҳуқуқи сақланиб қолади (ФКнинг 859-моддаси 1-қисми).

Хусусий мулкчиликка кенг эътибор қаратилиши ва хусусий мулкдорлар синфининг шакллана бориши фуқаролик ҳуқуқидаги бошқа шартномалар (рента, франшизинг ва шу кабилар) каби мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг вужудга келишига ҳам сабаб бўлди. Эндиликда мол мулкни бошқариш, ундан фойдаланиш ва унга эгалик қилишнинг бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари (ижара, ссуда, рента, омонат, оператив бошқариш, хўжалик юритиш ва шу кабилар) билан бирга, мол-мулкни ишончли бошқариш ҳам фуқаролик ҳуқуқи субъектларига ўз мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишда кенг имкониятлар берди.

Маълумки, фуқаролик ҳуқуқи ҳуқуқ соҳаси сифатида субъектларга кенг эркинлик берилганлиги, хусусий ишларга ўзбошимчалик билан аралашаишга йўл қўйилмаслиги, диспозитив йўналтирилганлик³⁴, товарлар,

³⁴ Зокиров И. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари ҳақида.//Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент,

хизматлар ва молиявий маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин ҳаракатда бўлиши³⁵ каби тамойилларга асосланади ва субъектларга ўзларига тегишли мол-мулкни бошқариш, ундан фойдаланишда ўз хоҳиш ва эркинликларидан келиб чиқиб ҳаракатланиш³⁶ ҳуқуқини таъминлайди. Шу маънода мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш ҳам мулкдор ёки ваколатли давлат органи ёхуд мулкдор вакил қилган шахснинг хоҳиш-иродаси асосида мулкни учинчи бир шахсга бошқариш, яъни мол-мулкдан тижорат муомаласида фойдаланган ҳолда даромад олишни назарда тутати.

ФКнинг 849-моддасига мувофиқ, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарувнинг муассиси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарувга топширади, иккинчи тараф эса ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади.

Шартнома таърифидан кўриниб турибдики, унда бир тараф (ишончли бошқарувчи) иккинчи тараф (муассис) га “бошқариш” хизматини кўрсатади. Зеро, хизмат кўрсатиш ҳам фуқаролик ҳуқуқнинг ўзига хос объекти сифатида³⁷ шартнома предметини ташкил этади.

Муассис ва ишончли бошқарувчи ўртасида тузиладиган мазкур шартноманинг асосий мақсади сифатида мол-мулкни бошқариш, яъни мол-мулкни фуқаролик муомаласида бўлишини таъминлаш орқали ундан фойда кўришни таъминлаш ҳисобланади ва буни амалга ошириш мажбурияти ишончли бошқарувчи зиммасида бўлади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ҳам ишончли бошқарувчи ўзига хос ашёвий шаклда бўлмаган хизматларни кўрсатади.

ТДЮИ, 2005.-252 б.; Мухаммадиев А.А. Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг амал қилиши.Юрид.фан.номз.дисс...Автореф. Тошкент, 2006. 11-12 б.

³⁵ Ахмаджонов Б. Товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатда бўлиши тамойили.//Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, ТДЮИ, 2005. 265 б.

³⁶ Раҳмонқулов Х. ва бошқалар. Хусусий мулк объектларининг ҳуқуқий мақоми.Тошкент, 2007.26-27 б.

³⁷ Саидгазиева Н.Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. Тошкент, ТДЮИ, 2005. 19 б.; Дўстов У.Н. Туризм хизматининг ҳуқуқий тартибга солиниши. Тошкент, ТДЮИ, 2004. 14 б.

Яъни, ишончли бошқарувчи томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар натижаси ашёвий шакл ҳосил қилмайди. Зеро, мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ўзига хос ашёвий шаклда бўлмаган ҳаракатлар орқали амалга оширилишини ҳисобга олсак, хизматнинг бу турини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларига киритиш мумкин бўлади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича ишончли бошқарувчига олинган фойда ҳисобидан мукофот бериш назарда тутилган ҳолларда эса шартнома бир томонламалик тусига эга бўлади. Бинобарин, бунда мол-мулкни ишончли бошқариш натижасида фойда кўрмаслик мукофот берилмаслигига олиб келади. Бундан ташқари фойдадан улуш (мукофот) беришни муассиснинг мажбурияти сифатида эътироф этиш ҳам баҳслидир. Зеро, шартномада белгиланган фойдани ажратиб олиш бевосита ишончли бошқарувчининг имконияти доирасидаги ҳолат бўлиб, муассис ҳеч қачон амалда бунга тўсқинлик қила олмайди.

ФКнинг 854-моддасига мувофиқ, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ёзма шаклда тузилади. Бунда битимнинг одатдаги ёзма шаклига амал қилинади³⁸.

Кўчмас мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома учун назарда тутилган шаклда ва тартибда тузилади. Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши қайси тартибда давлат рўйхатидан ўтказилса, бу мулкни ишончли бошқаришга топшириш ҳам шу тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси шаклига ёки кўчмас мулкни ишончли бошқаришга топширишни рўйхатга олиш талабига риоя қилмаслик, унинг ҳақиқий бўлмаслигини келтириб чиқаради.

³⁸ Раҳимов И.Т. Бозор иқтисодиёти шароитида битимлар, уларнинг моҳияти, турлари, шакллари ва расмийлаштириш тартиби. Юрид.фан.номз...дисс.автореф. Тошкент., 2001.16-б.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини учинчи шахс фойдасига тузилган шартномалар жумласига киритиш мумкин. ФКнинг 362-моддасига мувофиқ, тарафлар қарздор ижрони кредиторга эмас, балки шартномада кўрсатилган ёки кўрсатилмаган, қарздордан мажбуриятни ўз фойдасига бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахсга бажариши мажбур деб белгилаб қўйган шартнома учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома дейилади.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, шартномалар ўз белгилари бўйича кимнинг фойдасига тузилишига қараб контрагент ўзининг ёки учинчи шахс фойдасига тузилиши билан фарқланади³⁹. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ҳам ишончли бошқарувчи мол-мулкни муассис кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади, бунда фойда олувчи ишончли бошқарувчидан мол-мулкни ўзининг манфаатларини кўзлаб бошқариш, белгиланган муддатларда ўзига ҳисобот берилишини талаб қилишга ҳақлидир (ФК, 857-моддаси 4-қисми).

Айни вақтда шуни айтиш лозимки, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси учинчи шахслар фойдасига тузилган шартноманинг барча хусусиятларини ўзида ифодаламайди. Масалан, ФКнинг 362-моддаси 2-қисмига мувофиқ, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, учинчи шахс шартнома бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланиш ниятини қарздорга билдирган пайтдан бошлаб тарафлар ўзлари тўзган шартномани учинчи шахснинг розилигисиз бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари мумкин эмас. Бироқ, бу қоида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига нисбатан татбиқ этилмайди. Чунки, муассис ва ишончли бошқарувчи шартномани фойда олувчининг розилигисиз ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидирлар. Лекин, бу ҳолат мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси учинчи шахслар фойдасига тузилган шартномалар жумласига киришига тўсқинлик қилмайди.

³⁹ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи. Тошкент, ТДЮИ, 2005. 248-б.

Маълумки, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар “ихтиёрий ва мажбурий” шартномаларга бўлинади. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бир пайтнинг ўзида ихтиёрий ва мажбурий шартнома ҳисобланади. Яъни, бу шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига кўра ҳам ёки ваколатли давлат органининг қарорига кўра ҳам тузилиши мумкин. Мол-мулкни ишончли бошқариш мажбурий тузилиши ҳолатларига васийлик остидаги шахснинг мол-мулкни бошқариш, васиятнома ижроси тайинланган васиятномани ижро этиш, суднинг қарори асосида шартнома тузишни киритиш мумкин. Н.Г.Маркалованинг фикрига кўра, кредит ташкилотини 18 ойлик муддатга вақтинчалик бошқариш ҳақидаги мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси мажбурий шартномалар жумласига киришини эътироф этади⁴⁰. Бироқ мазкур фикрларга қўшилиб бўлмайди. Чунки, бунда тайинланган бошқарувчи корхона мол-мулки юзасидан ўз номидан битимлар тузиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси корхоналар банкрот деб эълон қилиниш жараёнида тайинланадиган суд бошқарувчиси (муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси) билан ҳам мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тузилмайди. Суд бошқарувчиси юридик шахс банкрот деб эълон қилингунга қадар уни бошқариб туриш учун суд томонидан тайинланади (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги “Банкротлик тўғрисида”ги қонунининг 18-моддаси).

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг тарафлари бўлиб, ишончли бошқарув муассиси ва ишончли бошқарувчи ҳисобланади. Гарчи мазкур шартномавий муносабатларда тараф сифатида эътироф этилмаса-да, фойда олувчи ҳам шартнома субъекти ҳисобланади.

⁴⁰ Маркалова Н.Г. Договор доверительного управления в современном гражданском и банковском законодательстве.//Журнал российского права. Москва. 1998. №12. С.79.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг субъектлари доираси ФКнинг 852-моддасида кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра, қуйидагилар мол-мулкни ишончли бошқариш муассислари бўладилар:

- мол-мулкнинг эгаси;
- ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;
- ваколатли давлат органи – давлат мулки бўлган мол-мулкка нисбатан;
- мол-мулкка хўжалик юритуви ҳуқуқи асосида эгалик қиладиган корхона – мулкдорнинг руҳсати билан;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда – нотариус, васийлик ва ҳомийлик органи, суд ёки бошқа ваколатли орган.

Умуман олганда, давлат-хусусий шериклик мамлакатимиз ҳуқуқшунослиги учун янги воқеълик ҳисобланади ва ушбу муносабатларни шартномалар орқали ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномалар давлат томонидан хусусий инвестицияларни иқтисодиётган жалб этишнинг самарали йўли сифатида иқтисодиётни ривожлантиришнинг бугунги бозор иқтисодиёти шароитида энг мақбул воситаси ҳисобланади.

ХУЛОСА

Давлат-хусусий шерикликни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларни ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Давлат-хусусий шериклик тушунчасига қуйидаги таърифни бериш мумкин: давлат-хусусий шериклик – ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, инвестиция, инновация, инфратузилма ва давлат, жамият а иқтисодиёт учун муҳим бўлган бошқа лойиҳа ва дастурларни реализация қилиш учун амалга ошириладиган давлат ва хусусий шерикларнинг хусусий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш, ресурсларни бирлаштириш ва хавфларни тақсимлар мақсадида муайян муддатга юридик расмийлаштирилидагн ўзаро фойдали ҳамкорликдир.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон фармон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури”да қабул қилиниши назарда тутилган “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни лойиҳасига “давлат-хусусий шериклик субъектлари” номли моддани қуйидаги мазмунда ифодалаш таклиф этилади:

Давлат-хусусий шериклик субъектлари бўлиб давлат шериги ва хусусий шерик ҳисобланади. Давлат шериги ва хусусий шерик тенг ҳуқуқли бўлиб, давлат шериги – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган давлат бошқарув органи, маҳаллий давлат ҳокимият органи ёки бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ҳисобланса, хусусий шерик – давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувни тузган ёки тузиш истагида бўлган ва ўзининг асосий мақсади фойда олиш бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахслари, чет эл юридик ёки жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлардир.

Бунда хусусий шерик бўлиши тақиқланган, шунингдек хусусий шерик томонидан иштирок этиши мумкин бўлмаган шахслар сифатида давлат

корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, нотижорат ташкилотлари эътироф этиладилар.

3. “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни лойиҳасига “давлат шеригининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” номли моддани қуйидаги мазмунда ифодалаш таклиф этилади:

Давлат шериги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ваколатли давлат органига давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ва тендер ҳужжатларини тасдиқлаш учун киритиш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномани тузиш;

хусусий шерик томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномани бажариш мақсадида тузилган тижорат ташкилотининг муассиси сифатида иштирок этиш.

Шу билан бирга давлат шериги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат шеригининг мажбуриятлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

қонунчилик ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома талабларига риоя қилиш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномани амалга оширишга баҳо бериш ва мониторингини юритиш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномада назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган мол-мулкни хусусий шерикка эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топшириш;

хусусий шерикка интеллектуал фаолият натижалари ёки шахсийлаштириш воситалари фойдаланиш ҳуқуқини бериш ёхуд давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома ижро этиш учун зарур бўлган мутлақ ёки нисбий ҳуқуқларни бериш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома объектини хусусий шерикдан мулк қилиб қабул қилиш.

4. Фикримизча, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни лойиҳасига “Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартноманинг асосий шартлари” номли моддани қуйидаги мазмунда ифодалаш таклиф этилади:

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартноманинг асосий шартлари қуйидагилардир:

шартнома предмети ва объекти;

тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

мулкӣ ва молиявий таъминотининг турлари ва шартлари;

тавсифлар, шу жумладан объектнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, шунингдек объектнинг сифатига нисбатан талаблар;

тарафларнинг хусусий шерикка шартномада белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун ер участкаси ва бошқа мол-мулкни қонунчиликда назарда тутилган шартлар ва тартибда топшириш мажбурияти;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини реализация қилиш жараёнида ишлаб чиқарилаётган ёки тақдим этилаётган инфра тузилма объектларининг сифатига қуйиладиган талаблар, шунингдек тўлов механизмлари; объектни эксплуатация қилиш, техник хизмат қилиш, лойилаштириш, қурилиш, реконструкция қилиш, модернизациялаш тартиби;

тарафлар ўртасидаги ҳисоб-китоб тартиби;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги лойиҳани молиялаштириш тартиби ва шартлари;

давлат шериги хусусий шерикка берадиган ҳуқуқ;

давлат шериги томонидан хусусий шерикка давлат-хусусий шерик лойиҳасини реализация қилиш учун тақдим этиладиган инфратузилма объектларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби;

шартнома бажарилиш жараёнида яратилган объект ва бошқа мол-мулкка нисбатан шартнома бекор бўлганидан кейин ҳуқуқларни тақсимлаш тартиби;

давлат шеригига шартномани бажариш учун топширилган инфратузилма объекти ва ҳуқуқларни шартноманинг амал қилиши тугаганидан сўнг қайтариш тартиби;

давлат ва хусусий шерик ўртасида шартнома бажариш билан боғлиқ хавфларни тақсимлаш тартиби ва шартлари;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси реализациясини баҳолаш ва мониторинг қилиш;

тарафларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликлари учун жавобгарлик;

товарларни ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш муддатлари;

хавфсизлик талаблари, экологик талаблар, шунингдек моддий маданий мерос объектларини сақлаш бўйича талаблар;

шартномани ўзгартириш, узайтириш ёки бекор қилиш, тартиби ва шартлари, шунингдек шартноманинг муддатида олдин бекор бўлиши муносабати билан компенсация тўловларини тўлаш ва етказилган зарарни қоплаш тартиби;

шартноманнинг амал қилиш муддати.

5. ДХШни реализация қилиш бўйича бир қатор фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузилади. Фикримизча, бундай шартномалар жумласига, ижара, ссуда, пудрат, хизмат кўрсатиш, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномалари киради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР:

1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 209-210.

1.2. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 144.

1.3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 56.

1.4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 56.

1.5. Каримов И. А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т. 21. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – Б. 29-30.

1.6. Каримов И. А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т. 22. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б. 336.

1.7. Каримов И. А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир / Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2015. – 17 янв.

II. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

- 2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 48.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Тошкент: Адолат, 2015.
- 2.3. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. – Тошкент: Адолат, 2015.
- 2.4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1990. №31-33. 371-м.
- 2.5. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // 2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сон
- 2.6. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. №9. 170-м.
- 2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 467-модда
- 2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

III. МАХСУС АДАБИЁТЛАР

1.1.Casson M. The Theory of Foreign Direct Investment // International Investment, London, 1990. – P. 243.

1.2.www. PRAVO.uz

1.3.Ахмаджонов Б. Товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатда бўлиши тамойили.//Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, ТДЮИ, 2005. 265 б.

1.4.Аюпов А.З. Международно-правовое и внутригосударственное регулирование иностранных инвестиций. - Дисс....канд.юрид.наук. – М.: 2008. – С.4.

1.5.Белицкая А.В. Государственно-частное партнерство: понятие, содержание, правовое регулирование: автореф. дис....канд. юрид. наук. - М.: 2011. -24 с.

1.6.Бозаров С. Эркин иқтисодий зоналарнинг тадрижий ривожланиши ва улар фаолиятини қиёсий таҳлили. Фалсафа ва ҳуқуқ № 1. 2011. – Б. 21-23.

1.7.Бродский М.Н. Законодательная база экономического развития. Науч изд. (Серия «Право и экономика») - М.: Европейский дом. 2002. - С.165-166.

1.8.Вознесенская Н.Н. Иностранные инвестиции: Россия и мировой опыт (сравнительно-правовой комментарий). – М.: Инфра-М., 2002. – С. 55.

1.9.Гражданское право.Ч.1./Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. - М.: Проспект, 2005. - 588 с.

1.10.Дўстов У.Н. Туризм хизматининг ҳуқуқий тартибга солиниши. Тошкент, ТДЮИ, 2004. 14 б.

1.11.Евтеева М.С. Международные двусторонние инвестиционные соглашения. - М.: Междунар. отношения, 2002. -С.35.

1.12.Емельянов В.И. Разумность, добросовестность, незлоупотребление гражданскими правами. - М.: Лекс-Книга. 2002. - 40 с.

1.13.Еникеев С.Г. Особенности правового режима иностранных инвестиций в России // Право. – 1997. – № 3. –С.31.

1.14.Жумамуротова К. Давлат хариди ҳуқуқий асос такомилени талаб этмоқда // Биржа, 2012 йил 21 июнь.

1.15.Зокиров И. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари ҳақида.//Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, ТДЮИ, 2005.-252 б.

1.16.Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. I қисм.-Т.: ТДЮИ, 2006.- 368 б.

1.17.Ковешников М. И Правовое регулирование иностранных инвестиции Российской Федерации - М; Норма. 2001. С 46.

1.18.Корецкий А.Д. Договор в механизме правового регулирования: автореф. дисс....к.ю.н. - Ростов-н/Д.: 1999. -С.15-16.

1.19.Маркалова Н.Г. Договор доверительного управления в современном гражданском и банковском законодательстве.//Журнал российского права. Москва. 1998. – №12. – С.79.

1.20.Массе П. Критерии и методы оптимального определения капиталовложений. - М., 1971. - С.27.

1.21.Миловидов В.Д. Паевые инвестиционные фонды. М.: АНКЛ; Инфра-М, 1996. Миловидов В.Д. Паевые инвестиционные фонды. –М.: АНКЛ; Инфра-М, 1996. – С.7.

1.22.Мороз С.П. Инвестиционное право: Учебник. – 3 изд., перераб. и доп. – Алматы: КазГЮУ, 2006. – С.57.

1.23.Мухаммадиев А.А. Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг амал қилиши.Юрид.фан.номз.дисс...Автореф. Тошкент, 2006. 11-12 б.

1.24.Расулов Н.Н. Стимулирование привлечения иностранных инвестиции в экономику Узбекистана.-Т.: «ФАН», 2003. 224- с.

1.25.Раҳимов И.Т. Бозор иқтисодиёти шароитида битимлар, уларнинг моҳияти, турлари, шакллари ва расмийлаштириш тартиби. Юрид.фан.номз...дисс.автор. Тошкент., 2001.16-б.

1.26.Раҳмонкулов Ҳ. ва бошқалар. Хусусий мулк объектларининг ҳуқуқий мақоми.Тошкент, 2007.26-27 б.

1.27.Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 240 б.

1.28.Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқи объектлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 22-25 б.

1.29.Саидгазиева Н.Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. Тошкент, ТДЮИ, 2005. 19 б.

1.30.Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига шарҳ: Профессинал шарҳлар. Т 2. / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Baktaria press, 2013. – 35 б.

1.31.Фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм. – Тошкент: Илм-Зиё, 2008. – 272 б.

1.32.Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида). – Иқт. фанлари д-ри... дис. автор. - Т., 2003. -С.14.

1.33.Черевик Е.Д. Инвестиционный процесс в развивающихся странах. - М., 1988. - С.9.

1.34.Шарп У., Александр Г., Бэйли Дж. Инвестиции / Пер. с англ. – М.: 1998. – С. 979.

1.35.Мауленов К.С. Государственное управление и правовое регулирование в сфере иностранных инвестиций в Республике Казахстан. - Дисс. доктора юрид. наук. – Алматы. 2000. - С.285-292.